Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат


2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 7 ноябрь, № 234 (9405) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЗАМОНИДА ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II таклифига биноан 5-6 ноябрь кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 6 ноябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ақаба жараёни доирасидаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сунъий интеллект соҳасида хавфсизлик масалаларига бағишланган учрашувида иштирок этди.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II, Озарбайжон ва Қирғизистоннинг юқори даражали вакиллари ҳамда бошқа хорижлик меҳмонлар ҳам қатнашди.

Халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, шунингдек, рақамли технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ янги хатар ҳамда таҳдидлар масалалари кўриб чиқилди.

Давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш, тажриба алмашиш, айниқса, ёшлар орасида радикаллашувнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ўз нутқида хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги шароитда Ақаба жараёнининг аҳамиятини юксак баҳолади.

Сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши инсоният учун улкан имкониятлар яратиш билан бирга янги таҳдидларни ҳам юзага келтираётгани қайд этилди. Шу боис сифатли таълим ва инсон салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратиш хавфсизликнинг муҳим пойдевори экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари маърифат ва илмга интилишдек гуманистик анъаналарни замонавий илм-фан ютуқлари билан уйғунлаштириш мақсадида “Инсон манфаатлари йўлида рақамли тараққиёт” ташаббусини илгари сурди. Унинг асосий вазифаси сунъий интеллект салоҳиятини билимларни кенг тарқатиш, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш ва шахс камолоти учун янги имкониятлар яратишга йўналтиришдан иборат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сунъий интеллектни бошқариш масалалари бўйича глобал мулоқоти қўллаб-қувватланди.

Глобал саъй-ҳаракатларга амалий ҳисса қўшиш учун Ўзбекистонда БМТнинг Аксилтеррор бошқармаси минтақавий офисини очишга тайёрлик билдирилди. Ушбу офис Марказий Осиё мамлакатларига террорчилик мазмунидаги материаллар ҳақида огоҳлантириш каналларини ишга тушириш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш, терроризмни молиялаштириш ҳолатларини аниқлаш, мутахассислар малакасини ошириш ҳамда ушбу жараёнларда сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий кўмак кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази негизида “Рақамли даврда жаҳолатга қарши маърифат” халқаро дастурини йўлга қўйиш таклиф этилди. Унинг асосий вазифалари кўп тилли ахборот ресурсларини яратиш, диний арбобларни ахборот муҳитида фаолият юритишга тайёрлаш, ислом динининг инсонпарварлик қадриятларини тарғиб этаётган ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлади.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида сунъий интеллектнинг келажаги нафақат технологик тараққиётга, балки ундан қандай мақсадларда фойдаланишга ҳам боғлиқ эканини таъкидлади. Шу боис янги технологияларни таҳдидлар манбаига эмас, балки тинчлик, хавфсизлик ва инсон тараққиётини таъминлашнинг қудратли воситасига айлантириш умумий интилиш бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Остона шаҳридаги Ақаба жараёни учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн билан учрашув ўтказди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ШҲТ ПЛЮС БИРИНЧИ ЭКСПЕРТЛАР МУЛОҚОТИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Сизларни Хавфсизлик масалалари бўйича ШҲТ плюс биринчи экспертлар мулоқотининг очилиши билан самимий қутлайман.

Аввало, Ўзбекистоннинг ташаббусини қўллаб-қувватлаганингиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратаётган эътиборингиз учун миннатдорлик билдираман.

Бугунги тадбирда ШҲТга аъзо давлатлар, кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мамлакатларнинг махсус хизматлари раҳбарлари ва вакиллари иштирок этаётгани замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш борасидаги умумий манфаатдорликдан далолат беради.

Бу йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганининг 25 йиллигини нишонламоқда. Чорак асрлик шаклланиш ва ривожланиш жараёнида ташкилот халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшма ёндашувларни ишлаб чиқишда самарали майдонга айланди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳаммуассиси бўлган давлат сифатида унинг барқарорликни сақлаш ва инклюзив тараққиётни таъминлаш мақсадида аъзо давлатларни бирлаштирувчи кўптомонлама ноёб платформа сифатидаги ролини янада кучайтириш ва фаолиятини кенгайтиришга алоҳида аҳамият беради.

Азиз меҳмонлар!

Ҳозирги кунда геосиёсий кескинликнинг кучайиши, қарама-қаршиликларнинг чуқурлашиши ва қуролли можароларнинг авж олиши, афсуски, дунёдаги вазиятнинг асосий хусусиятлари бўлиб қолмоқда.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, муҳим инфратузилмаларни ҳимоя қилиш ва давлатнинг бузғунчи таъсирларнинг янгича шаклларига нисбатан барқарорлиги масалалари янада долзарб бўлиб бормоқда.

Бугун биз трансмиллий таҳдидларнинг табиати чуқур ўзгариб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва глобал коммуникация воситаларининг шиддат билан ривожланиши нафақат тараққиёт учун кенг имкониятлар очмоқда, балки мутлақо янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, кибермакон анъанавий усуллар билан бирга тармоқ орқали ҳужумлар уюштирилаётган, жамоатчилик онгини бошқариш ва ёлғон ахборот тарқатиш каби воситалар тобора фаол қўлланаётган асосий тўқнашувлар майдонига айланди.

Террорчи ташкилотлар рақамли муҳитдан фойдаланаётгани жиддий ташвиш уйғотади. Интернет платформалари радикал ғояларни тарғиб қилиш, янги тарафдорларни ўз томонига оғдириш, молиявий маблағлар тўплаш ҳамда давлат чегараларини тан олмайдиган экстремистик бирлашмаларни шакллантириш воситасига айланиб бормоқда.

Бундай шароитда, айниқса, ёшлар аҳолининг энг заиф тоифаси бўлиб қолмоқда. Бузғунчи кучлар ёшлар онгига мақсадли равишда таъсир кўрсатиб, уларни ўз жамоаларига жалб этмоқда, ижтимоий зиддиятлардан фойдаланмоқда ва тоқатсизлик ғояларини тарқатмоқда.

Бундай жараёнлар миллатлараро ва динлараро тотувликка путур етказиши, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга олиб келиши мумкин.

Шу боис юзага келаётган можароларга нафақат тезкор муносабат билдириш, балки хавф-хатарларнинг олдини олиш — уларни аниқлаш, ўзаро ахборот алмашиш, хавфсизликни таъминлаш борасида миллий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш лозим.

Ишончимиз комил, ҳеч бир давлат чегара билмайдиган таҳдидларга якка ўзи тўлиқ қарши тура олмайди. Бу эса табиий равишда халқаро ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва биргаликда иш олиб боришнинг амалий механизмларига бўлган талабни кучайтиради.

Қадрли дўстлар!

Ташкилот учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу йилда сизларга мурожаат қилиб таъкидламоқчиманки, ШҲТнинг янги таҳдидларга ўз вақтида жавоб бериш ва янада барқарор дунёни шакллантиришда самарали иштирок этишга қодир бўлиши кўп жиҳатдан махсус хизматларнинг яқин ҳамкорликда иш олиб боришига боғлиқ.

Бугунги мулоқот сизларга нафақат долзарб таҳдид ва хавф-хатарларни ҳар томонлама муҳокама қилиш, балки халқларимизнинг хавфсизлиги ва давлатларимизнинг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган ҳамкорликнинг амалий йўналишларини белгилаб олиш имконини беради деб ишонаман.

Форумнинг барча иштирокчиларига самарали фаолият олиб боришлари ва Ўзбекистондаги учрашувлари мазмунли ўтишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўттиз тўрт йиллигини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш, фуқароларни унда белгиланган эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш, **“Конституция — инсон қадри улуғланган эркин ҳаёт ва янги келажак пойдевори!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида **қарор қиламан**:

1. Қуйидагилар:

а) **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ;

б) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **ташкилий қўмитанинг** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий қўмита (А. Арипов):

а) Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (кейинги ўринларда — Конституция) куни умумхалқ байрами кўтаринки руҳда нишонланишини;

б) барча ҳудудларда Конституция куни байрамига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, сайиллар, маданият ва спорт тадбирларини юқори савияда ўтказиш мақсадида атоқли илм-фан намояндалари, маданият ва санъат арбоблари, кекса ва ёш авлод вакиллари, таниқли спортчиларни жалб этган ҳолда байрам тадбирлари ўтказилишини таъминласин.

3. Жойларда Конституция куни байрамини Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик руҳига ҳамоҳанг тарзда нишонлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

а) Конституцияда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги, **инсон қадри, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик** каби эзгу ғояларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда ўз аксини топаётганини кўрсатиб бериш;

б) Конституциянинг **иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётнинг** турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва бу борада эришилаётган натижаларни мустаҳкамлашдаги ўрни ва ролини ёритиш;

в) **“Конституция — инсон қадри улуғланган эркин ҳаёт ва янги келажак пойдевори!”** деган ҳаётий шиорнинг моҳияти ва аҳамиятини, Конституция асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида мутлақо янги босқичга ўтилганлигини очиб бериш;

г) Конституциянинг **тадбиркорлик ва хусусий мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш**, **соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш** бўйича янгидан-янги ютуқлар ва натижаларга эришиш учун мустаҳкам замин яратиб берганини кенг жамоатчиликка тушунтириш;

д) нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, **оила, оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни** таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш;

ж) Конституция куни байрами арафасида умумий ўрта, ўрта махсус, касбий ва олий таълим ташкилотларида барча ўқувчи ва талабаларни қамраб олган ҳолда **Конституция дарсларини**, шу жумладан, атоқли ҳуқуқшунослар, олимлар, суд, адлия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбар ва ходимлари иштирокида ўтказиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган **байрам тадбирлари**:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли **маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари**, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан;

б) Тошкент шаҳрида — Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг** ва **Тошкент шаҳар ҳокимлигининг захира жамғармалари** ҳисобидан **тенг улушларда молиялаштирилади**.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Конституция куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О. Д. Давлатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 6 ноябрь

ЎТМИШ САБОҒИ, БУГУННИНГ ҚАДРИ ВА КЕЛАЖАК МАСЪУЛИЯТИ

Қудратилла Рафиқовнинг «Шавкат Мирзиёев инқилоби ёхуд мен нима учун Президентим билан ғурурланаман?» мақоласини ўқиб...

Акс садо

Сўнгги кунларда икки асар мени чуқур мушоҳадага чорлади. Бири — аллома Алихонтўра Соғунийнинг “Туркистон қайғуси” асари, иккинчиси — сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “Шавкат Мирзиёев инқилоби ёхуд мен нима учун Президентим билан ғурурланаман?” номли публицистик эссеси. Гарчи улар турли даврларда, турлича тарихий ва ижтимоий шароитларда яратилган бўлса-да, ҳар иккисини бирлаштириб турган муштарак ғоя бор: Ватан тақдири, миллат келажаги, давлатчилик тафаккури ва халқнинг бахт-саодати учун қайғуриш.

Алихонтўра Соғуний асарини ўқиб Туркистоннинг бир вақтлар қандай улкан имкониятларга эга бўлгани, аждодларимизнинг илм-маърифат, тараққиёт ва мустақил давлатчилик йўлида қандай орзу-мақсадлар билан яшаганини яна бир бор ҳис этдим. 2

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАВРИДА ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ

Самарқандда 5-6 ноябрь кунлари “Рақамли трансформация даврида хавфсизлик: янги технологиялар ривожланишини ҳисобга олган ҳолда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш” мавзуида Хавфсизлик масалалари бўйича ШҲТ плюс биринчи экспертлар мулоқоти бўлиб ўтди.

Анжуман

Мазкур форматни йўлга қўйиш ташаббуси Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2024 йилда ШҲТнинг Остона шаҳридаги саммитида билдирилган. 2025 йилда Тяньцзинда бўлиб ўтган ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилишида биринчи экспертлар мулоқотини Самарқандда ўтказиш таклифи илгари сурилган эди.

Ушбу тадбирда ШҲТга аъзо, кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлар махсус хизматларининг 180 дан ортиқ вакиллари, шунингдек, 24 мамлакат ва 5 та халқаро ташкилотдан иборат 33 та делегация иштирок этди.

Учрашув аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро мулоқот қатнашчиларига мурожаатини Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. Маҳмудов ўқиб эшиттирди. 2

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 7 ноябрь

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЗАМОНИДА ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз етакчиси дунёда янги таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда Иордания Подшоҳи ташаббуси билан йўлга қўйилган ушбу платформа тобора муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Учрашувда икки давлат ўртасида кўп қирали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари, шу жумладан, олий даражада эришилган келишувларнинг бориши муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда ўзаро ташриф ва мулоқотлар жадал тус олгани мамнуният билан таъкидланди. Ҳаво қатновлари йўлга қўйилди, Ҳукуматлараро қўшма комиссия йиғилиши ўтказилиб, Ишбилармонлар кенгаши таъсис этилди.

Суҳбат давомида ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусан, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни жадаллаштиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Иордания етакчилари бўлажак олий даражадаги икки томонлама тадбирлар режаси ҳамда кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Тадбир доирасида Ўзбекистон етакчисининг Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистон Президентлари, Озарбайжон ва Қирғизистоннинг юқори мартабали вакиллари ҳамда Ақаба жараёни модератори билан ҳам суҳбатлари бўлиб ўтди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Остона шаҳрига амалий ташрифи якунланди.

Остона халқаро аэропортида Ўзбекистон Президентини Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев кузатиб қўйди.

ЎзА.

ЎТМИШ САБОҒИ, БУГУННИНГ ҚАДРИ ВА КЕЛАЖАК МАСЪУЛИЯТИ

1 Аммо тарихий воқеалар, ижтимоий-сиёсий шароитлар ҳамда турли омиллар туфайли бу орзуларнинг барчаси ҳам рўёбга чиқмаган.

Қудратилла Рафиқовнинг эссесини мутолаа қилар эканман, бугун халқимизнинг асрий орзу-интилишлари янги имкониятлар ва ислоҳотлар орқали ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳақида ўйладим. Бу жараёнда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, мамлакат келажаги учун масъулияти ва жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳақидаги мушоҳадалар менда алоҳида таассурот қолдирди.

Ислоҳот тафаккур озодлигидан бошланади

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти ўз-ўзидан юз бермайди. Унинг замирида сиёсий ирода, аниқ мақсад, стратегик тафаккур, самарали бошқарув, энг муҳими, халқ ишончи мужассам бўлади. Айниқса, йиллар давомида шаклланган бошқарув тизими, иқтисодий муносабатлар ва ижтимоий қарашларни ўзгартириш осон кечмайди. Бунинг учун қатъият, изчиллик ва бошланган ишни мантиқий якунига етказиш масъулияти зарур.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ислоҳотлар юртимиз ҳаётида янги босқични бошлаб берганини эътироф этиш лозим.

Янги Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларга фақат алоҳида қарорлар, қурилишлар ёки иқтисодий кўрсаткичлар нуқтаи назаридан баҳо бериш тўғри эмас. Уларни мамлакат тараққиётининг яхлит манзараси, жамият ҳаётидаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда баҳолаш керак. Зеро, ҳар қандай ислоҳотнинг ҳақиқий самараси, аввало, инсонлар турмушида қандай акс этаётгани билан ўлчанади.

Касбим тақозоси билан турли йилларда мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида бўлганман. Бу сафарлар менга кечаги ва бугунги воқеликни қиёслаш, ҳаётдаги ўзгаришларни бевосита кузатиш имконини берди.

Бундан 15 — 20 йил аввал электр таъминоти, йўллар, мактаблар, тиббиёт муассасалари ва турмуш шароити билан боғлиқ муаммолар одамлар кундалик ҳаётининг деярли одатий қисмига айланган эди. Бугун эса ҳудудларда манзара ўзгарган. Ҳатто чекка қишлоқларда ҳам аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Тан олиш керакки, мен ҳам дастлаб мамлакатимиздаги айрим ўзгаришларга шубҳа билан қараганман. Қурилишлар, ободонлаштириш ишлари ва ислоҳотлар ҳақидаги хабарларни эшитиб, уларнинг қай даражада ҳаётий натижа бераётганига ишончим комил эмас эди. Ҳатто баъзан буларни мақолада тилга олинган “Потёмкин қишлоқлари”га ўхшатганман. Бироқ ҳудудларга қилган хизмат сафарларим, одамлар билан мулоқотлар, чекка манзиллардаги ўзгаришларни ўз кўзим билан кўришим натижасида ушбу шубҳалар аста-секин тарқалди. Бугун нафақат вилоят марказларида, балки энг олис ҳудудларда ҳам йўлсозлик, ободонлаштириш, таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий соҳалардаги янгиланишларни кўриб турибмиз.



Албатта, бу барча муаммолар ҳал этилди дегани эмас. Ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Аммо кечаги ҳолат билан бугунги воқелик ўртасидаги фарқни кўрмаслик ҳам адолатдан эмас.

Мен учун энг муҳим ўзгариш — одамларнинг кайфиятида, ҳаётга муносабатида, эртанги кунга ишончида намоён бўлаётган янгиланиш. Зеро, давлатнинг қудрати фақат янги бинолар, йўллар, ишлаб чиқариш корхоналари ёки иқтисодий кўрсаткичлар билан белгиланмайди. У, аввало, инсоннинг ўзини қадрли ҳис этишида, муаммосини очиқ айта олишида, ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида ва келажагига ишонч билан қарашида намоён бўлади. Шу маънода, “Инсон қадри учун” тамойилини ислоҳотларнинг энг муҳим мазмуни деб биламан.

Миллатнинг қудрати — тарихий хотира ва бирдамликда

Эссени ўқиш жараёнида мени яна бир масала жиддий ўйлантирди: биз тарихдан қанчалик тўғри хулоса чиқаряпмиз? Тарихимизда буюк алломалар, мутафаккирлар, давлат арбоблари, маърифатпарварлар ва миллат тақдири учун жон куйдирган фидойи инсонлар кўп бўлган. Афсуски, уларнинг айримлари ўз даврида муносиб қадрланмаган, тушунилмаган, ҳатто ўз юртида тазйиқ ва таъқибларга учраган.

Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Машраб, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва бошқа буюк аждодларимиз ҳаётига назар ташласак бир ҳақиқатни англаймиз: миллатнинг энг катта йўқотиши ўзининг истеъдодли, фидойи ва салоҳиятли фарзандларини қадрлай олмаслигидир.

Баъзан тарихдаги фожиаларни ташқи омиллар билан изоҳлашга одатланганмиз. Аммо ўзимизга ҳам савол беришимиз керак: нега айрим ҳолларда буюк инсонларимизнинг қадрига ўз вақтида етмаганмиз? Нега бир-биримизни қўллаб-қувватлаш ўрнига ўзаро низо, ҳасад ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганмиз?

Бу саволлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Миллатнинг куч-қудрати унинг тарихи, тили ва маданияти билангина эмас, балки ўз фарзандларини қадрлай олиши, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариши, билимли ва ташаббускор инсонларни қўллаб-қувватлаши билан ҳам белгиланади.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан тарихий адолатни тиклаш, номи ноҳақ унутилган ёки қораланган кўплаб тарихий шахсларимизнинг меросини қайта ўрганиш ва номларини оқлаш борасида амалга оширилган ишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги авлоднинг муҳим вазифаси эса ўтмишдаги хатоларни такрорламаслик, жамиятда ўзаро ишонч, ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашдан иборат.

Фикр эркинлиги нима беради?

Муаллиф ўз мақоласида жамиятнинг ўзгариши одамлар дунёқараши билан бевосита боғлиқ эканига алоҳида урғу қаратар экан, бир асрдан ортиқ давр мобайнида тафаккурларимизга сингдирилган қарамлик таъсиридан чиқиб кетишимиз оғир кечаётганини, кундалик турмушимиз, маданияту юриш-туришимизда ҳам кечаги кун “анъана”лари сезилиб туришини ва бу жараёнлар бизнинг “ўзимиз”дан анча нари кетиб қолганимизни англатишини куюнчаклик билан таъкидлайди.

Дарҳақиқат, баъзи одамларимиз ҳали ҳам собиқ тузум мафкураси таъсиридан қутулгани йўқ. Олмон мутафаккири Эрих Фроммнинг “Озодликдан қочиш” (“Escape from Freedom”) асаридаги бир муҳим ғоя мени доим ўйлантиради: инсон озодлик учун курашади, аммо мустақиллик билан келадиган масъулият, ёлғизлик ва қарор қабул қилиш заруратидан баъзан чўчийди. Натижада у ўз ихтиёри билан қарамликка, бошқаларнинг фикри ҳамда иродасига бўйсунишга мойил бўлиб қолади.

> *Янги Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларга фақат алоҳида қарорлар, қурилишлар ёки иқтисодий кўрсаткичлар нуқтаи назаридан баҳо бериш тўғри эмас. Уларни мамлакат тараққиётининг яхлит манзараси, жамият ҳаётидаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда баҳолаш керак. Зеро, ҳар қандай ислоҳотнинг ҳақиқий самараси, аввало, инсонлар турмушида қандай акс этаётгани билан ўлчанади.*

Олимнинг фикрича, инсон баъзан ўз индивидуаллигидан воз кечиб, атрофдагиларга тақлид қилишни, оммонинг бир қисмига айланишни афзал кўради. Бу ҳолат уни мустақил қарор қабул қилиш масъулиятидан халос этгандек туюлади.

Менимча, ушбу асардаги мушоҳадалар бугунги жамиятимиз учун ҳам муҳим. Зеро, озодлик фақат ташқи чекловлардан халос бўлиш эмас. У мустақил фикрлаш, ўз позициясига эга бўлиш, ҳақиқатни англаш, қарорлари учун жавоб бериш ва ўз салоҳиятини намоён этиш имкониятидир.

Ҳурфикр инсон жамиятда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ қарамайди. У ўз ҳуқуқларини билади, бурчларини англайди, ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этади. У муаммоларни кўриб туриб сукут сақлашни эмас, уларнинг сабабларини ўрганиш ва ечимини излашни афзал билади.

Бироқ бу ерда муҳим бир жиҳат бор: фикр эркинлиги масъулиятдан холи эмас. Ҳақиқий ҳурфикрлилик бошқаларнинг ҳуқуқи, қадр-қиммати ва қарашларини ҳам ҳурмат қилишни талаб этади.

Бугун мамлакатимизда очиқ мулоқот, турли фикрлар ва ижтимоий муҳокама учун имкониятлар кенгайиб бораётгани муҳим ўзгаришдир. Халқ қабулхоналари, Президентнинг ва турли идоралар раҳбарларининг виртуал қабулхоналари ишлаб турибди. Уларга ҳар қандай фуқаро ўз муаммоси, таклиф ва ташаббуслари билан мурожаат қилиши мумкин. Бундан ташқари, кишиларга ҳар хил ижтимоий тармоқлар орқали фикр айтиш, бошқалар билан мулоқотга киришиш имконияти яратилган. Энг муҳим масала — бу имкониятдан қандай фойдаланаётганимизда. Бинобарин, эркин фикрлаш маданияти фақат ўз фикрини айтиш билан чекланмайди. У бошқаларнинг қарашларини ҳам тинглаш, далилларга таяниш, зарур бўлганда ўз позициясини қайта кўриб чиқиш ва баҳсда шахсни эмас, масаланинг моҳиятини муҳокама қилишни талаб этади. Шу боис озод фикрлашни жамиятнинг интеллектуал етуклиги ва фуқаролик масъулиятининг муҳим мезони деб ҳисоблайман.

Тараққиёт ҳар бир инсонга боғлиқ

Ҳар қандай ислоҳот турлича қабул қилиниши табиий. Кимдир унинг натижаларини кўради, кимдир мавжуд муаммоларга кўпроқ эътибор қаратади. Бу — табиий ижтимоий жараён. Зеро, жамиятда ҳамманинг бир хил фикрлаши шарт эмас. Аммо танқиднинг ҳам ўз маданияти, мезони ва масъулияти бўлиши керак. Холис, далилли ва конструктив танқид тараққиётга хизмат қилади. У мавжуд муаммоларни очиб бериш, камчиликларни бартараф этиш ва самарали ечимларни топишга кўмаклашади. Бироқ танқид фақат инкор этиш, камчилик излаш ёки шахсий муносабатни ифодалашдан иборат бўлиб қолса, унинг жамият тараққиётига қандай наф келтириши ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Танқиддан кейин таклиф, таклифдан кейин амалий ҳаракат, амалий ҳаракатдан кейин эса натижа ва масъулият бўлиши лозим. Муаммони кўрсатиш муҳим. Аммо унинг ечимини таклиф қилиш янада муҳимроқ.

Бугунги ислоҳотларнинг муваффақияти фақат давлат раҳбари ёки ҳукумат фаолиятига боғлиқ эмас. Унда ҳар бир фуқаро, ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутахассиснинг ўз ўрни ва масъулияти бор.

Баъзан барча муаммоларнинг ечимини давлатдан, раҳбардан ёки бошқа бировдан кутиб қоламиз. Ҳолбуки, ҳар биримиз ўз иш жойимизда ҳалол ва виждонан меҳнат қилсак, қонунларга риоя этсак, атрофимиздаги муаммоларга бефарқ бўлмасак, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Ватан тақдири унинг бугуни ва келажаги учун ҳар куни ҳалол меҳнат қилаётган, ўз касбига садоқатли, жамият манфаатини шахсий манфаатидан устун қўя оладиган инсонларга ҳам боғлиқ.

Ватанпарварлик — баландпарвоз сўз эмас. У ўз вазифасини виждонан бажаришда, қонунга ҳурматда, инсон қадрини эъзозлашда, жамиятдаги муаммоларга бефарқ бўлмасликда намоён бўлади.

Бугун мамлакатимиз олдида турган вазифалар катта: иқтисодиётни модернизациялаш, янги иш ўринлари яратиш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, ёшлар салоҳиятини юзага чиқариш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, меҳнат муносабатларида адолат ва хавфсизликни таъминлаш. Буларнинг барчаси умуммиллий масъулиятни талаб этади. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ўз ўрнимизда фидойилик билан меҳнат қилишимиз, ижобий ўзгаришларга ҳисса қўшишимиз, мавжуд муаммоларни ҳал этишда фаол бўлишимиз зарур.

Қалбни чўғлантирган улуғ ғоя

Муаллифнинг *“Президентимиз ҳеч қаерда очиқ-ошкора айтмаган бўлсалар-да, қалбларидаги орзу-истакни жуда яхши биламан. Менинг халқим бу ёруғ дунёда ҳеч кимдан кам эмас, биз жаҳонга маърифат, давлатчилик анъаналарини ўргатган халқмиз ва бундан кейин ҳам сафларнинг бошида бўлишимиз керак деган улуғ ғоя у кишининг қалбини мудом чўғлантириб туради”,* деган фикрлари ҳар қандай ўқувчининг қалбини тўлқинлантириб юборади. Айни пайтда эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини янада жўш урдиради.

Мен ҳам мамлакатимизда кечаётган ўзгаришлардан фахрланаман ва уларнинг изчил давом этишини истайман. Зотан, бизнинг олдимизда бугунги ютуқлардан ғурурланибгина қолмай, уларни асраш, янада ривожлантириш ва келажак авлодга муносиб мамлакат қолдириш вазифаси ҳам турибди.

Мен учун Президентимиз билан фахрланиш, аввало, у бошлаган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини англаш, уларнинг ижобий натижаларини қадрлаш ва мамлакат тараққиёти йўлида ўз масъулиятимни ҳис қилиш демакдир. Зеро, давлатимиз раҳбари бошлаган ислоҳотларнинг муваффақияти фақат бир инсоннинг иродасига эмас, балки бутун жамиятнинг онги, фаоллиги, меҳнати ва бирдамлигига ҳам боғлиқ. Чунки миллатнинг шавкати фақат унинг ўтмишида эмас, бугунги бирдамлигида, эртанги кунга ишончи ва масъулиятидадир.

Ҳусан МИРСАИДОВ,
мустақил тадқиқотчи.

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАВРИДА ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ



1 Давлатимиз раҳбари мурожаатида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ўта муҳим инфратузилмани ҳимоя қилиш ҳамда давлатларнинг бузғунчи таъсирларнинг янги шаклларига бардошлилигини ошириш муҳимлиги таъкидланган. Рақамли технологияларнинг ривожланиши тараққиёт учун кенг имкониятлар очиш билан бир қаторда мутлақо янги хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқараётгани кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раҳбари, генерал-полковник Б. Қурбонов раислигида ўтказилган учрашувда хорижий давлатлар делегациялари раҳбарлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам ўз фикрларини билдирди.

Шундан сўнг Хавфсизлик масалалари бўйича ШҲТ плюс биринчи экспертлар мулоқоти пленар мажлис шаклида ўз ишини давом эттирди. Унда миллий тажрибаларни ўрганиш, самарали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш, рақамли маконда террорчилик фаолиятига чек қўйиш, экстремизм ва радикализм ғоялари тарқалишининг олдини олишга қаратилган таъсирчан воситаларни шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.

Террорчилик тарғиботини тарқатиш, тарафдорларни ёллаш ва ноқонуний фаолиятни мувофиқлаштиришда сунъий интеллект, рақамли платформалар ҳамда бошқа технологик воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ хавф-хатарларга алоҳида эътибор қаратилди.

Иштирокчилар “ШҲТ плюс” форматининг экспертлик ёндашувларини яқинлаштириш, амалий тажриба алмашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда очиқ майдон сифатидаги салоҳиятини қайд этди.

Делегациялар раҳбарлари биринчи мулоқот якунлари бўйича қўшма коммюнике қабул қилди. Ҳужжатда янги технологияларнинг террорчилик таҳдидларига таъсири юзасидан тадқиқотлар ўтказиш, самарали профилактика тажрибалари шарҳларини тайёрлаш, шунингдек, муайян мавзуларга бағишланган семинарлар ва малака ошириш дастурларини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Сенат қўмитасида

КУН ТАРТИБИДА — МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ



Аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-қувватлаш механизмлари ва ишсизлик нафақасини тайинлаш тизимини такомиллаштириш, маъмурий ислоҳотлар доирасида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг номлари ҳамда ваколатларини аниқлаштириш масалалари долзарб вазифалардан саналади.

Шу маънода, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Фахрийлар тўғрисида”ги қонунлар муҳокама қилинди.

Меҳнат ва аҳоли бандлиги соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан меҳнат бозорида норасмий бандликни қисқартириш, фуқаролар меҳнатидан норасмий фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш ҳамда меҳнатга оид муносабатларни расмийлаштиришни соддалаштириш назарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар қонуннинг тадбиркорлик фаолиятига таъсири ва уни манфаатдор органлар билан келишиш масалаларига ҳам эътибор қаратди. Кўтарилган саволлар юзасидан мутасадди вазирлик вакиллари тушунтириш берди.

Муҳокама якунида қонунни Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, қўмита йиғилишида “Фахрийлар тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди. Унинг бош мақсади фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ташкилий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосларини белгилашга қаратилган.

Мажлисда қонун юзасидан аввалги муҳокамаларда билдирилган таклиф ва тавсиялар, сенаторлар ҳамда мутахассислар томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Сенаторлар қонунда назарда тутилган фахрийларнинг барча тоифалари учун ижтимоий ҳимоя чоралари, имтиёзлар ва кафолатларни аниқ белгилаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, айрим тоифадаги фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини бевосита ушбу ҳужжатда акс эттириш, ҳаволаки нормаларни аниқлаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини таъминлаш юзасидан таклифлар билдирилди.

“Фахрийлар тўғрисида”ги қонунни билдирилган таклиф ва эътирозлар асосида қўмита аъзолари, мутахассислар ҳамда экспертлар иштирокида қўшимча ўрганишга, унинг натижаларини навбатдаги йиғилишда кўриб чиқишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Президентимиз Фармонига кўра волонтёрлик фаолиятини умуммиллий ҳаракатга айлантириш мақсадида «Фидойи волонтёр» кўкрак нишони таъсис этилади.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.



Муҳокама

Таъкидланганидек, қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг узлуксизлигини таъминлаш, кичик бизнес субъектларини янада қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, айрим ҳудудларда фаолият юритувчи тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратилишини, солиқ маъмуриятчилиги яхшиланишини, “Яшил хайрия” жамғармасига ажратиладиган ихтиёрий тарздаги маблағлар ҳамда яшил боғларни барпо қилиш ва уларни парваришлаш тадбирлари учун йўналтирилган харажатлар солиқдан озод қилинишини назарда тутувчи тузатишлар киритиляпти.

Бундан ташқари, таълим ташкилотларида фойдаланиш учун ваколатли давлат органи томонидан тавсия этилган ўқув-услубий мажмуани ва бошқа ўқув материалларини, жумладан, рақамли ва аудиовизуал шаклдаги ўқув материалларини реализация қилган тадбиркорлик субъектлари айланма солиқ солишдан озод этилмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида қонун солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишга, яшил майдонларнинг кенгайишига, аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва унинг даромадларини оширишга, ҳаво сифатини яхшилашга ҳамда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатишга хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратди.

Мажлис якунида кўриб чиқилган масала бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАСИ

Ўзбекистоннинг пахта хирмони беш миллион тоннадан ошгани бу нафақат рекорд натижа, балки мамлакатимиз аграр соҳасида шаклланаётган янги иқтисодий тафаккур, замонавий технологиялар ва фермер манфаатдорлигига асосланган тараққиёт моделининг амалий исботидир.

Мушоҳада



Президентимизнинг ушбу улкан муваффақият муносабати билан деҳқон ва фермерлар, кластер ходимлари ҳамда барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига йўллаган табриги соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти ва эришилган натижаларни яна бир бор намоён этди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пахта монополиясига барҳам берилиши, мажбурий меҳнатнинг тугатилиши, пахта майдонларининг мақбуллаштирилиши ва иқтисодий самарадорликка асосланган янги тизимнинг жорий этилиши соҳада туб бурилиш ясади. Энг муҳими, эътибор маъмурий топшириқлардан меҳнат унумдорлиги, фермер манфаатдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилди. Бу ўзгаришларнинг амалий натижаси ҳосилдорлик кўрсаткичларида яққол намоён бўлмоқда.

Албатта, юқори натижалар замирида замонавий агротехнологиялар, илмий ёндашув, сифатли уруғчилик ва фермерларнинг ташаббускорлиги турибди. Эндиги вазифа илғор хўжаликлар тажрибасини кенг оммалаштириш ва ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос технологияларни жорий этишдан иборат.

Бу борада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Табрикда сув тежовчи технологияларни жорий этиш натижасида 1990 йиллардагига нисбатан сув сарфи икки баробар камайгани қайд этилди. Энди томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш, рақамли сув бошқаруви каби технологияларни кенгайтириш, ҳар бир сарфланган кубометр сув ҳисобига олинадиган маҳсулот ҳажмини ошириш зарур.

Илм-фан ва инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ҳам ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омилидир. Янги биотехнологик навлар, агродронлар, рақамли мониторинг ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш орқали экинлар ҳолатини назорат қилиш, касалликларни эрта аниқлаш, сув ва ўғит сарфини оптималлаштириш мумкин. Бунинг учун аграр илм-фан муассасалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш лозим.

Технологик янгиланишнинг яна бир муҳим йўналиши механизациялаштиришдир. Жорий йилда пахта ҳосилининг 85 фоизи 3 мингдан ортиқ пахта териш машиналари ёрдамида 30 — 35 кун ичида териб олинди. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида механизациялаштириш даражасининг 100 фоизга етказилгани ҳам катта ютуқдир. Келгусида бу жараённи ер тайёрлаш, экиш, ўғитлаш ва ҳосилни йиғиш каби барча босқичларда кенгайтириш муҳим.

Шу билан бирга, ислоҳотларнинг асосий мақсади фақат маҳсулот ҳажмини ошириш эмас, балки фермер ва деҳқонларнинг даромади ҳамда турмуш фаровонлигини юксалтиришдир. Президентимиз табригида қайд этилганидек, жорий йилда фермерлар пахта етиштиришдан 13-14 триллион сўм соф фойда олиши кутилмоқда.

Фермернинг иқтисодий манфаатдорлиги ошиши унинг ишлаб чиқаришга инвестиция киритиш, янги техника харид қилиш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имкониятларини кенгайтиради. Шу боис аграр сиёсат самарадорлигини баҳолашда маҳсулот ҳажми билан бир қаторда соф даромад, рентабеллик ва ҳар бир гектар ердан олинадиган иқтисодий самара ҳам муҳим мезон бўлиши керак.

Президентимиз томонидан келгуси йилда пахтадан ўртача ҳосилдорликни 65 — 70 центнерга етказиш вазифаси белгиланган соҳа ходимлари олдига янада юксак марраларни қўймоқда. Бунинг учун тупроқ унумдорлигини сақлаш, ҳудудларга мос серҳосил навларни жорий этиш, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш ва механизациялаштириш даражасини ошириш зарур. Энг муҳими, юқори ҳосилдорликка эришиш билан бирга экологик мувозанат ва ернинг табиий унумдорлигини ҳам асрашимиз лозим.

Пахта хирмонимизнинг беш миллион тоннадан ошгани — юксак ғалаба. Бироқ бу натижанинг энг катта аҳамияти янги имкониятлар ва янада улкан марраларга йўл очаётганидадир. Зеро, қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир ютуқ иқтисодий барқарорлик, экспорт салоҳияти, иш ўринлари яратиш ва халқ фаровонлигига хизмат қилади.

Актам ҲАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ МАКТАБИ

Бугунги армия йигитларнинг ҳарбий хизматни ўташидан иборат эмас. Энди улар муддатли ҳарбий хизмат даврида олий таълим муассасаларига ўқишга кириши, касб-ҳунар ўрганиши мумкин. Республикамиздаги барча ҳарбий қисмларда ана шундай шароитлар яратилган.

Ўрганиш

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмиталари вакиллари Шарқий ҳарбий округда муддатли ҳарбий хизматчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва хорижий тилларга ўқитиш учун яратилган шароитлар, аскарларнинг масофавий таълим олиши борасидаги имкониятлар билан танишди.

Республика ишчи гуруҳи аъзолари Наманган вилоятидаги ўрганишлари давомида Поп ва Чуст туманларида жойлашган ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматчиларни касб-ҳунарга ўқитиш жараёни ва бу борада яратилган шарт-шароитларни атрофлича таҳлил қилди. Ўқув хоналарининг назарий қўлланмалар ва кўргазмали стендлар билан жиҳозланганлиги, олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш учун мўлжалланган дастгоҳлар ҳамда махсус ўқув жойлари кўздан кечирилди.

Ўрганиш жараёнида муддатли ҳарбий хизматчилар хизмат даврида эгаллаган билим ва кўникмаларини кўргазмали чиқишлар, жанговар тайёргарлик бўйича амалий ҳаракатларини намойиш этди.

Ишчи гуруҳи аъзолари Андижон шаҳри ва Жалақудуқ туманида жойлашган ҳарбий қисмларда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган аскарларнинг масофавий таълим олиши учун яратилган шарт-шароитларни ҳам ўрганди. Хусусан, масофавий таълим олаётган аскарларнинг дарс машғулотларида иштирок этиши ва мустақил тайёргарлик кўриши учун интернет тармоғига уланган алоҳида компьютер, веб-камера ва қулоқчинлар билан таъминланганлиги кўздан кечирилди.

Ўз навбатида, ҳарбий қисмларда сартарошлик, пайвандчилик, сантехника, дурадгорлик, мебелсозлик, компьютер саводхонлиги каби 12 та касб-ҳунар йўналиши бўйича ташкил этилган ўқув машғулотлари, бунинг учун яратилган ўқув-моддий база, махсус жиҳозланган хоналар ва замонавий дастгоҳлар билан ҳам танишилди. Бундан ташқари, ҳарбий қисмларда аскарларнинг яшаш ва маиший шароитлари, хусусан, ётоқхоналар, тиббиёт пунктлари, ошхоналар ҳолати ўрганилди. Аскарларнинг овқатланиши, таомларнинг сифати ва озуқавий қиймати, ошхоналарда санитария-гигиена талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганишлар давомида сенаторлар масофавий таълим олаётган ва касб-ҳунарга ўқитилаётган аскарлар билан ҳам суҳбатлашиб, уларнинг мавжуд имкониятлар ва яратилган шароитлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини эшитди.

«Халқ сўзи».

ТИЛИМИЗ ЮКСАЛИШИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини мустаҳкамлаш, унинг илм-фан, таълим, давлат бошқаруви ва рақамли макондаги имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Албатта, тилнинг ривожланиши унинг қўлланилиш доираси кенгайиши билан бир қаторда ёзув тизимининг мукаммаллиги, имло қоидаларининг аниқлиги ва улардан фойдаланиш қулайлиги билан ҳам бевосита боғлиқ. Ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бугунги даврда миллий ёзувнинг замонавий талабларга мослиги таълим сифати, саводхонлик, электрон ҳужжат айланиши ва рақамли мулоқот учун муҳим аҳамият касб этади.

Янги қонун

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз томонидан 2026 йил 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги Қонуннинг имзоланиши муҳим воқеа бўлди.

Мазкур қонун узоқ йиллар давомида олимлар, тилшунослар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинган масаланинг ҳуқуқий ечим топганини англатади. Унинг аҳамияти фақат алифбодаги айрим ҳарфларни ўзгартиришда эмас, балки ўзбек ёзувини янада изчил, қулай ва замонавий талабларга мос тизим сифатида такомиллаштиришга ҳуқуқий замин яратилганидадир.

Бу жараёнда жамоатчилик фикри ва илмий асосланган ёндашувларга эътибор қаратилгани ҳам муҳим. Давлатимиз раҳбари 2023 йил 21 октябрда Ўзбек тили байрами муносабати билан йўллаган табригида лотин ёзувига асосланган алифбони такомиллаштириш бўйича билдирилган таклиф ва тавсияларни чуқур ўрганиш, қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаган эди. Кейинги муҳокамалар ва изланишлар натижасида шаклланган қонун шу йил 10 сентябрда Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланди.

Унга мувофиқ, амалдаги 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан иборат алифбо ўрнига 28 та ҳарф ва 1 та тутуқ белгисидан ташкил топган такомиллаштирилган алифбо жорий этилади. Хусусан, амалдаги “G‘”, “O‘”, “Sh” ва “Ch” ўрнига мос равишда “Ğ”, “Ö”, “Ş” ва “Ç” ҳарфларидан фойдаланиш белгиланди.



Бир қарашда, бу ўзгаришлар ёзувдаги айрим белгиларни алмаштиришдек туюлиши мумкин. Аслида эса масаланинг моҳияти анча кенг. Бир товушни ифодалашда яхлит ҳарфлардан фойдаланиш ёзувнинг изчиллигини таъминлаш, матнларни қайта ишлаш, ахборот қидириш ва рақамли тизимларда тил бирликларини аниқ таниб олиш имкониятларини яхшилашга хизмат қилиши мумкин. Айниқса, ўзбек тилини рақамли муҳитга кенг жорий этиш нуқтаи назаридан бу муҳим аҳамиятга эга.

Бугун электрон луғатлар, автоматик таржима тизимлари, матнни овозга ва овозни матнга айлантирувчи дастурлар, сунъий интеллектга асосланган тил моделлари кундалик ҳаётимизга тобора чуқур кириб келмоқда. Бундай технологияларнинг самарали ишлаши учун тилнинг ёзув меъёрлари аниқ, изчил ва техник жиҳатдан қулай бўлиши зарур. Такомиллаштирилган алифбо миллий клавиатуралар, электрон маълумотлар базалари, таълим платформалари ва ўзбек тилида ишлайдиган дастурий маҳсулотларни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади. Бу имкониятлар тўла рўёбга чиқиши учун алифбодаги ўзгаришларни дастурий таъминот, электрон ресурслар ва имло меъёрларига уйғун равишда татбиқ этиш муҳим.

Янги алифбони ҳаётга самарали татбиқ қилишда таълим тизимининг ўрни беқиёс. Мактабгача ва мактаб таълимидан тортиб олий таълимгача бўлган барча босқичларда ўқув-услубий материалларни мувофиқлаштириш, педагогларнинг тайёргарлигини таъминлаш, имло қоидаларини содда ва тушунарли тарзда етказиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бу жараёнда аҳоли, айниқса, катта авлод вакиллари учун ҳам қулай шароит яратиш, янги ёзув меъёрларини босқичма-босқич ўзлаштириш имкониятини таъминлаш зарур. Зеро, алифбо ислоҳотининг муваффақияти фақат ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши билан эмас, балки унинг жамият томонидан қанчалик осон ва тўғри ўзлаштирилиши билан белгиланади.

Шу маънода, мазкур ҳужжат ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш, миллий ёзув маданиятини такомиллаштириш, таълимда саводхонликни ошириш ва рақамли технологиялар соҳасидаги имкониятларини кенгайтиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий қадамдир. Муҳими, бу ислоҳот она тилимизга муносабатимизнинг мазмун-моҳиятини яна бир бор намоён этади.

Тилга эҳтиром унинг бой тарихини ардоқлаш билан бирга, келажаги ҳақида ҳам масъулият билан қайғуришни талаб этади. Миллий ёзувни такомиллаштириш эса ана шу масъулиятнинг амалий ифодасидир. Зеро, она тилимизни асраб-авайлаш — уни фақат аждодлардан қолган бебаҳо мерос сифатида қадрлаш эмас, балки илм-фан, таълим ва технологиялар билан ҳамнафас ривожлантириб, келгуси авлодларга янада бой ҳамда мукаммал ҳолда етказиш, демак.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

Муносабат

ТАРИХИЙ ЯҚИНЛИКДАН ИҚТИСОДИЙ ҚИЙМАТГА

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар, геосиёсий рақобатнинг кучайиши, глобал таъминот занжирларининг қайта шаклланиши шароитида минтақавий ҳамкорлик давлатлар тараққиётининг муҳим омилига айланмоқда. Бугун бундай ҳамкорлик фақат савдо алоқалари билан чекланиб қолмай, балки саноат кооперацияси, транспорт-логистика, инновация ва инсон капитали ривожини ҳам қамраб олаётир.

Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) ана шу мақсадларга хизмат қилувчи муҳим минтақавий майдондир. Муштарак тарих, тил ва маданий қадриятларга таянган мазкур тузилма бугун иқтисодий манфаатларни уйғунлаштириш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш, транспорт имкониятларидан биргаликда фойдаланиш борасида янги истиқболларни очмоқда.

30 октябрь куни Анқарада “Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик” ғояси остида ўтказилган ТДТнинг 13-саммити ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, инвестиция, транспорт, энергетика ва рақамли трансформация соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этди.

Бугун асосий масала мавжуд имкониятларни аниқ иқтисодий натижага айлантиришдан иборат. Зеро, минтақавий интеграция самараси фақат ўзаро савдо ҳажмининг ўсиши билан эмас, балки қўшма ишлаб чиқариш лойиҳалари, янги иш ўринлари, технологик янгиланиш ва экспорт салоҳиятининг ортиши билан ҳам белгиланади. Масалан, бир мамлакатда етиштирилган хомашёни бошқасида қайта ишлаш, учинчи давлатда технологик такомиллаштириш ва умумий бозорларга чиқариш орқали юқори қўшилган қиймат яратиш мумкин. Бу эса оддий товар айирбошлашдан кўра кенгроқ иқтисодий самара беради.

Ўзбекистоннинг ТДТ доирасидаги иштироки ҳам ташқи иқтисодий алоқаларни диверсификациялаш, минтақавий бозорларга чиқиш ва транзит имкониятларидан самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутади.

Расмий маълумотларга кўра, 2025 йилда Ўзбекистоннинг ТДТ мамлакатлари билан савдо айланмаси 10,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Бу мамлакатимизнинг 81,2 млрд. долларлик умумий ташқи савдо айланмасида салмоқли улушга эга. Айни пайтда мазкур кўрсаткич ҳамкорликни янада кенгайтириш учун имкониятлар етарли эканини ҳам кўрсатади.



Эндиликда тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат саноати, кимё, қурилиш материаллари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда қўшма корхоналар ташкил қилиш, инвестицияларни замонавий технологиялар билан уйғунлаштириш муҳим. Бунда лойиҳалар сони эмас, уларнинг қанча қўшилган қиймат яратиши, экспортни ошириши ва янги иш ўринлари ташкил этиши асосий мезон бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмаслиги ташқи савдо логистикасини ривожлантиришни стратегик вазифага айлантиради. Шу боис халқаро транспорт йўналишларини диверсификация қилиш, юк ташиш харажатларини камайтириш ва чегарадан ўтиш жараёнларини соддалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, Осиё ва Европани Каспий денгизи орқали боғловчи Транскаспий халқаро транспорт йўналиши — Ўрта коридор Ўзбекистон учун катта имкониятлар эшигини очади. Шунингдек, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасини минтақавий транспорт тармоқлари билан боғлаш мамлакатимизнинг ташқи бозорларга чиқиш жараёнини янада тезлаштириши мумкин.

Замонавий иқтисодиётда рақобатбардошлик инновация, рақамли технологиялар ва малакали кадрларга бевосита боғлиқ. Шу маънода, туркий давлатлар ўртасида электрон савдо, рақамли логистика, сунъий интеллект ҳамда ахборот хавфсизлиги соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш янги иқтисодий имкониятларни юзага келтиради. Бунда университетлар, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес тузилмалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, талабалар ҳамда мутахассислар алмашинувини кенгайтириш ҳам муҳим. Чунки инсон капитали минтақавий интеграциянинг нафақат натижаси, балки унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва кичик бизнес вакилларининг иқтисодий ҳамкорлик жараёнларидаги иштирокини кенгайтиришга эътибор қаратиш лозим. Зеро, интеграциянинг ҳақиқий самараси унинг имкониятларидан қанча кўп аҳоли қатлами фойдалана олиши билан ҳам белгиланади.

Анқара саммитида белгиланган устувор вазифалар ва қабул қилинган ҳужжатлар туркий давлатлар ҳамкорлигининг институционал асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбекистон учун эса мазкур ҳамкорлик ташқи иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг минтақавий ва халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятни юксалтиришнинг муҳим омилидир. Энг муҳими, туркий давлатларни бирлаштириб турган тарихий яқинлик бугун аниқ иқтисодий натижаларда намоён бўлиши керак. Зеро, муштарак тарихнинг энг катта қадри — у бугунги тараққиёт, ўзаро ишонч ва умумий фаровонликка хизмат қилганида.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

ҲАМЖИҲАТЛИКДА РИВОЖЛАНИШНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Сунъий интеллект шиддат билан ҳаётимизга кириб бораётган ҳозирги даврда технологик ютуқлардан ташқари, инсон хавфсизлигини ҳимоя қилиш, рақамли муҳит дахлсизлигини асраш ва жамият барқарорлигини таъминлаш энг муҳим вазифага айланмоқда. Айниқса, рақамли технологиялардан терроризм ва экстремизм мақсадларида фойдаланиш, сохта ахборот тарқатиш, жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш каби таҳдидлар давлатлар зиммасига катта масъулият юкламоқда.

6 ноябрь куни Остона шаҳрида Ақаба жараёни доирасида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сунъий интеллект соҳасидаги хавфсизлик масалаларига бағишланган учрашуви ана шу муаммоларга биргаликда ечим топиш йўлида муҳим халқаро мулоқот майдони бўлди.

Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев сунъий интеллект ривожи билан боғлиқ имкониятлар ва хавф-хатарларга Ўзбекистоннинг принципиал ёндашувини баён этди. Давлатимиз раҳбари янги технологиялар инсоният тараққиёти учун кенг имкониятлар очаётгани билан бирга хавфсизликка оид янги таҳдидларни ҳам юзага келтираётганини таъкидлаб, уларга қарши курашишда сифатли таълим ва инсон салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Технологик тараққиётнинг ҳақиқий қиймати у инсон ҳаётини қай даражада яхшилаши, жамиятнинг интеллектуал салоҳияти ва имкониятларини қанчалик кенгайтириши билан белгиланади. Президентимизнинг “Инсон манфаатлари йўлида рақамли тараққиёт” ташаббуси ҳам сунъий интеллект имкониятларидан айнан шу мақсадларда фойдаланишга қаратилган. Яъни янги технологиялар билим ва тажрибани кенг оммалаштириш, инсонларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтириш, жамиятда ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ҳамда ҳар бир шахснинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши лозим.



Давлатимиз раҳбари илгари сурган яна бир ташаббус — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази негизида “Рақамли даврда жаҳолатга қарши маърифат” халқаро дастурини йўлга қўйиш таклифи ҳам алоҳида эътиборга молик. Зотан, бу ташаббус Ўзбекистоннинг бой маънавий ва илмий меросини замонавий технологиялар имкониятлари билан уйғунлаштириш орқали жаҳолат, мутаассиблик ва радикал ғояларга қарши маърифий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилади.

Эътиборлиси, Ўзбекистон рақамли таҳдидларга фақат чекловлар ва техник назорат орқали қарши туришни эмас, балки уларнинг сабабларини бартараф этишни таклиф қилмоқда. Чунки сохта ахборотни учириш мумкин, аммо унинг таъсирида шаклланган нотўғри қарашларни ўзгартириш учун билим, танқидий фикрлаш ва маърифат зарур. Технологик хавфсизлик ҳам, аввало, инсоннинг онги ва тафаккурида шаклланади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббусларни амалий натижаларга айлантиришда парламентлар зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Зеро, рақамли маконда хавфсизликни таъминлаш, сунъий интеллектдан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш учун замонавий ҳуқуқий асосларни шакллантириш, халқаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини яратиш ва уларнинг ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш зарур.

Айниқса, ёшларни рақамли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда танқидий фикрлаш, ахборотни таҳлил қилиш кўникмалари ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири бўлиши лозим. Бу борада парламентлар нафақат қонунчилик ташаббускори, балки илгари сурилган ғояларнинг ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашувчи муҳим сиёсий институт сифатида фаол иштирок этиши керак. Зеро, рақамли асрда хавфсизлик чегараларини ёки ахборот тизимларини ҳимоя қилиш билангина чекланмайди. У, энг аввало, инсон онги, тафаккури, маънавий қадриятлари ва келажагини асрашни англатади.

Галия РАЙХАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Хитойнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтаётган 9-Хитой халқаро импорт кўргазмасида «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти ўз маҳсулотлари билан фаол қатнашмоқда.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 7 ноябрь

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ИЖРОСИ ВА ЗАРУР ТАВСИЯЛАР



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг раҳбарлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштиришга доир фармонига мувофиқ, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг вазир ўринбосарлари учун белгиланган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)нинг 2026 йил I — III чораклардаги ижроси юзасидан ахбороти эшитилди.

Йиғилишда вазирлик зиммасига юклатилган вазифалар доирасида иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, саноатда қўшилган қиймат ҳажмини ошириш, Давлат бюджети даромадларини барқарор шакллантириш, давлат активларини хусусийлаштириш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган кўрсаткичлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Мунозаралар давомида депутатлар томонидан вазир ўринбосарлари учун белгиланган 61 та кўрсаткичнинг мазмуни ва уларга эришиш ҳолати бўйича қатор саволлар берилди. Хусусан, II ва III чораклларда айрим кўрсаткичлар тўлиқ ҳажмда бажарилмагани танқидий кўриб чиқилди.

Нуриддин ЖАББОРОВ, қўмита аъзоси:



— *Самарадорлик кўрсаткичлари ижроси фақат ҳисобот учун эмас, балки аҳоли ҳаётида сезиладиган натижалар билан баҳоланиши лозим. Бу борада камбағалликни қисқартириш, ижтимоий реестрга киритилган оилаларга субсидия, ссуда ва грант маблағларини ажратиш, аҳолига ипотека кредитлари бўйича субсидиялар бериш ишлари бевосита фуқаролар манфаатига дахлдордир. Муҳокама чоғида ҳудудларда сайловчилар билан учрашувларда кўтарилаётган масалалардан келиб чиқиб, Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида қурилиш-таъмирлаш ишларига тасдиқланган манзилли рўйхатлар асосида маблағлар ўз вақтида ажратилишини таъминлаш масаласини ўртага ташладик.*

Йиғилишда вазирликка IV чорак учун белгиланган кўрсаткичларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш, вазирликнинг самарадорлик кўрсаткичлари ижроси тўғрисидаги маълумотларни электрон платформага киритиб бориш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Якунда кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2026 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқ, Мудофаа вазирлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг мажлисида кўриб чиқилди.

Унда Мудофаа вазирлигининг мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, вазирлик томонидан мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларнинг муаммоларини манзилли ҳал қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2026 йилнинг сентябрь ойига қадар вазирликка 2 405 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 1 203 таси қаноатлантирилган, 1 130 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган, 72 таси кўриб чиқиш жараёнида.

2026 йилда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш борасидаги мурожаатлари бўйича 900 нафар ҳарбий хизматчи ипотека асосида уй-жой билан таъминланган. Шунингдек, 810 нафар ҳарбий хизматчининг хизмат жойини ўзгартиришга оид мурожаатлари ижобий ҳал этилган.

Тиббий таъминот йўналишида 217 та мурожаат ижобий ҳал қилиниб, 5 262 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзолари учун чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил этилган. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларнинг жами 1 426 нафар фарзандига олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга кириш учун имтиёзли тавсияномалар берилган.

Мурожаатларни тезкор ва жойида ҳал этиш мақсадида ҳудудларда сайёр қабуллар уюштирилиб, фуқароларнинг муаммоларига амалий ечим топилмоқда.

Қўмита аъзолари томонидан вазирликнинг мурожаатлар билан ишлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уй-жой ва тиббий таъминотини яхшилаш борасидаги амалий ишлари ҳамда эришилган ижобий натижалар эътироф этилди.

Мажлисда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси, соҳалар ҳамда ҳудудлар кесимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати, нотариал ҳаракатлар ва ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқиш самарадорлиги юзасидан депутатларнинг саволларига батафсил жавоблар олинди.

Якунда мурожаатларни кўриб чиқиш сифатини янада ошириш, такрорий мурожаатларнинг олдини олиш, сайёр қабуллар ва “Call center” фаолиятини такомиллаштириш ҳамда электрон мониторинг тизимини ривожлантириш юзасидан фикрлар алмашилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ИЛМИЙ ТАҲЛИЛЛАР УЙҒУНЛИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзолари, Парламент тадқиқотлари институти вакиллари иштирокида ўтказилган учрашувда қўмитанинг асосий фаолият йўналишлари, 2026 йилнинг тўққиз ойида муҳокама қилинган қонун лойиҳалари ҳамда кўриб чиқилган масалалар, шунингдек, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати фаолиятини илмий-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Шунингдек, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, жамоатчилик назоратининг таъсирчанлигини ошириш, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати жараёнларида фуқаролар иштирокини кенгайтириш ҳамда ушбу йўналишларда хорижий тажрибадан фойдаланиш истиқболларига эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида ҳамкорликнинг келгуси устувор йўналишлари ҳам белгилаб олинди. Хусусан, қўмита фаолиятига мос йиллик илмий тадқиқот дастурини шакллантириш, қонун лойиҳаларини илмий-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, хорижий давлатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мунтазам ўрганиш, парламент эшитувлари ҳамда депутатлик сўровларини таҳлилий материаллар билан таъминлаш таклиф этилди.

Наврўзбек ЮСУПОВ, қўмита аъзоси:



— *Қонун ижодкорлиги жараёнида пухта илмий тадқиқотлар ва чуқур таҳлилий хулосаларга таяниш қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётийлиги, ҳуқуқий жиҳатдан мукаммаллиги ва амалиётда самарали ишлашини таъминлайди. Айниқса, жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ривожлантиришда илмий асосланган таклифлар муҳим аҳамиятга эга.*

Учрашув якунида илмий тадқиқотлар натижалари асосида қонунчилик ташаббусларини тайёрлаш ва парламент назорати жараёнларида қўллаш, қўмита фаолияти учун зарур таҳлилий материалларни тизимли равишда тақдим қилиш бўйича ишларни давом эттиришга келишиб олинди.

МАЪМУРИЙ СУДЛОВ ТИЗИМИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА МОСЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни тасдиқлашга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, биринчи ўқишда қабул қилинган мазкур қонун лойиҳаси маъмурий суд ишларини юритиш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, фуқаро ва тадбиркорларнинг давлат органлари билан муносабатларида ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Йиғилишда қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар моддама-модда муҳокама қилиниб, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали ишлашини таъминлаш, айрим қоидаларни янада аниқлаштириш ва такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Хусусан, судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштиришга оид нормалар атрофлича кўриб чиқилди. Лойиҳага кўра, аризадаги расмий камчиликлар уни қайтариш учун асос бўлмайди. Аксинча, суд аризачига камчиликларни бартараф этиш ва талабларини тўғри шакллантиришда кўмаклашади. Ариза тегишли бўлмаган ҳудуддаги судга тақдим қилинган тақдирда эса уни “ягона дарча” тамойили асосида ваколатли судга ўтказиш назарда тутилмоқда.

Муҳокамада ушбу тартиб фуқароларнинг ортиқча овворагарчилигига барҳам бериш, суд ҳимоясидан фойдаланишдаги бюрократик тўсиқларни камайтириш нуқтаи назаридан муҳим экани қайд этилди.

Шаҳноза ЖОЛДАСОВА, қўмита аъзоси:



— *Йиғилишда депутатларнинг қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган таклифларини бирма-бир кўриб чиқдик. Ҳужжатда нормаларнинг аниқ ва бир хил талқин этилишини таъминлаш, суд амалиётида турлича ёндашувларга йўл қўймаслик, энг муҳими, ҳар бир ҳуқуқий механизмнинг фуқаро ва тадбиркорлар манфаатларига амалда хизмат қилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳокимликларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари устидан маъмурий судларга шикоят қилиш имкониятини яратишга қаратилган қоидалар ҳам муҳокама марказида бўлди.*

Билдирилган фикр ва таклифлар инобатга олинган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга пухта тайёрлаш масалалари кўриб чиқилди.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО МУКОФОТНИНГ ИККИНЧИ ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ЮНЕСКО Бош директори Ҳолид ал-Ананий Сунъий интеллект этикаси соҳасидаги илмий тадқиқотлар учун таъсис этилган Абу Райҳон Беруний номидаги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро мукофотининг иккинчи танловига аризалар қабули бошланганини эълон қилди.

Биз ва дунё

2024 йилда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан таъсис этилган мазкур мукофот сунъий интеллект этикаси соҳасидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган илк глобал мукофот ҳисобланади. Унинг асосий мақсади сунъий интеллект технологияларини масъулиятли лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашиш, шунингдек, халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.



Учта мукофот ҳар икки йилда бир марта топширилади. Ҳар бир ғолибга Абу Райҳон Беруний номидаги медаль, сертификат ва пул мукофоти берилади. Танловда сунъий интеллект соҳасидаги этик тамойиллар ва амалий ечимларни ривожлантиришга ҳисса қўшган алоҳида тадқиқотчилар, илмий муассасалар ва ташкилотлар қатнашиши мумкин. Аризаларни қабул қилиш 2027 йил 30 январга қадар давом этади.

Мукофотни топширишнинг биринчи маросими 2025 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси доирасида бўлиб ўтган эди. Унда профессор Виржилио Августо Фернандес де Алмейда (Бразилия), профессорлар Сьюзан Перри ва Клаудия Мария Жованна Рода (Франция), шунингдек, Цинхуа университетининг Хитой Халқаро сунъий интеллектни бошқариш институти (I-AIIG) профессорлари Лань Сюэ, Чжэн Лян ва Цянь Сяо лауреат деб топилган эди. Уларнинг лойиҳалари этик, инклюзив ва масъулиятли технологияларни ривожлантиришга қаратилган.

Таъсис этилганидан буён мукофот илмий тадқиқотларни рағбатлантириш, билим алмашиш ҳамда ёшларни сунъий интеллект этикаси масалаларига жалб қилиш майдонига айланди. Хусусан, 2026 йил апрель ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Ёшлар форумида этик ва инклюзив сунъий интеллектни ривожлантиришда ёш авлоднинг ролига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Шунингдек, 2026 йил август ойида Остона шаҳрида ўтказилган Сунъий интеллект бўйича халқаро олимпиада доирасида мукофот лауреатлари 300 нафардан ортиқ иштирокчилар ҳамда 200 нафардан зиёд эксперт ва тадқиқотчилар учун маърузалар қилди.

«Дунё» АА.
Париж

БОЛАГА ҒАМХЎРЛИК — ИНСОН ҚАДРИНИНГ ЎЗАГИ

Жамиятнинг инсонпарварлиги, аввало, унинг болага муносабатида намоён бўлади. Зеро, ҳар бир боланинг хавфсиз муҳитда яшаши, соғлом улғайиши, таълим олиши ва ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш нафақат ота-она, балки давлат ва жамиятнинг ҳам бурчидир.

Долзарб мавзу

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш тамойили ҳаётнинг барча соҳасида, хусусан, оила ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ислоҳотларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу борадаги ёндашувнинг муҳим жиҳати шундаки, энди болани ҳимоялаш фақат муаммо юзага келгандан кейин чора кўриш билан чекланмайди. Асосий эътибор унинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир йигит-қизнинг манфаатларини кафолатлашга қаратилмоқда.

Шу йил 14 октябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун бу борадаги чора-тадбирларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига болаларга нисбатан зўравонлик, жумладан, жинсий зўравонлик, шунингдек, боланинг ўлимига сабаб бўлган жиноий қилмишлар учун жавобгарликни кучайтиришни ҳамда вояга етмаганларга нисбатан янги мажбурлов чораларини белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун ҳимоясида

— Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган барча ислоҳотлар, қонунлар замирида инсон қадрини таъминлашдек улуғвор мақсад мужассам, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Калонов. — Сўнгги йилларда Ўзбекистон Богота ҳаракатлар чақирувига қўшилди. Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал альянс аъзолигига қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 24 декабрдаги “2026 — 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2026 йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармонларига мувофиқ болаларни зўравонликдан ҳимоялашнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Яқинда қабул қилинган қонун ҳам ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, бола ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Биз бола зўравонлик қурбонига айланмаслиги учун оилада, мактабда, маҳаллада муносиб шароит яратишимиз, уни ўз вақтида ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришимиз керак. Бундай жирканч жиноятларга қўл ураётган кимсалар ҳам жамиятдан айро яшамайди. Уларнинг ҳам ота-онаси, яқинлари, қариндошлари, маҳалласи бор. Шу боис бундай қилмишларга нисбатан сукут сақлаш, бефарқ қараш мумкин эмас. Биз болага, аввало, ота-она, яқин қариндош, ўқитувчи ва тарбиячилар масъул деймиз. Афсуски, бундай кўнгилсиз ҳодисалар оилада, таълим муассасаларида содир этилмоқда. Энди болага нисбатан зўравонлик учун жазонинг оғирроқ бўлиши қонунда алоҳида кўрсатилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зуҳриддин Мавлонов бу ҳақда шундай дейди:

— Асосий янгилик — Жиноят кодексининг 118-моддаси тўртинчи қисми ва 119-моддаси тўртинчи қисми санкцияларига ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш ҳамда унга нисбатан жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятлари учун 15 йилдан 25 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси киритилди. Унга мувофиқ, кодекснинг 50 ва 51-моддаларидаги узоқ муддатли ҳамда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоларини қўллаш доираси кенгайтирилди. Бу ерда муҳим юридик фарқ бор: такроран жиноят содир этиш ёки рецидив мазкур санкцияни қўллашнинг мажбурий шарти сифатида белгиланмаган. Қилмиш тегишли модданинг тўртинчи қисми билан квалификация қилинганда болалар ҳаёти, соғлиғи ва жинсий дахлсизлигига қарши содир этилган жиноятлар юзасидан парламент назоратини олиб боради, — дейди Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) Сурайё Раҳмонова. — Таҳлилларимизга кўра, болаларга нисбатан жинсий зўравонлик содир қилганлик учун тайинланаётган жазо чорасининг жиноят оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик кўрсаткичига етарли даражада мувофиқ келмаслиги, жазо меъёрини белгилашда сезиларли фарқлар кузатилаётганди. Ваҳоланки, жинсий зўравонлик содир этган шахсга муносиб ва қатъий жазо тайинланиши унинг ахлоқан тузалиши, янги жиноятга қўл уришининг олдини олишда муҳим. Акс ҳолда болаларнинг такроран жинсий зўравонлик қурбонига айланиш хавфи ортади. Болалар омбудсмани болаларга нисбатан оғир жинсий жиноятларни (номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш) содир этган шахсларга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаб-қувватлайди. Яъни жабрланувчи болаларга ихтисослашган тарзда тезкор психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни кўзда тутувчи ягона механизм йўлга қўйилиши керак. Шу боис янги қонунда вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнини видеога ёзиб олиш, жинсий жиноятлар бўйича юзлаштиришнинг алоҳида тартибини белгилаш, болага нисбатан зўравонлик унинг яқинлари томонидан содир этилган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг процессда иштирокини таъминлаш масалалари назарда тутилган.

> ***Биз бола зўравонлик қурбонига айланмаслиги учун оилада, мактабда, маҳаллада муносиб шароит яратишимиз, уни ўз вақтида ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришимиз керак. Бундай жирканч жиноятларга қўл ураётган кимсалар ҳам жамиятдан айро яшамайди. Уларнинг ҳам ота-онаси, яқинлари, қариндошлари, маҳалласи бор. Шу боис бундай қилмишларга нисбатан сукут сақлаш, бефарқ қараш мумкин эмас. Биз болага, аввало, ота-она, яқин қариндош, ўқитувчи ва тарбиячилар масъул деймиз. Афсуски, бундай кўнгилсиз ҳодисалар оилада, таълим муассасаларида содир этилмоқда. Энди болага нисбатан зўравонлик учун жазонинг оғирроқ бўлиши қонунда алоҳида кўрсатилган.***

Суд умрбод озодликдан маҳрум этиш масаласини қонундаги умумий қоидалар ва чекловлар доирасида кўриб чиқади. Айни пайтда санкцияда умрбод жазо мавжудлиги уни автоматик тайинлашни англатмайди. Суд жазони индивидуаллаштириши, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни баҳолаши шарт. Қонунда боланинг ўлимига сабаб бўлган қасддан содир этилган жиноятлар учун шартли ҳукм қилиш ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этишни қўлламаслик назарда тутилган. Бу билан жиноятнинг оғирлигига мутаносиб жазо, жавобгарликнинг муқаррарлиги ва жабрланувчининг самарали ҳуқуқий ҳимояси биргаликда таъминланади.

Зўравонлик — жамият тараққиётига жиддий таҳдид

— Болалар омбудсмани қонунда белгиланган ваколатлари доирасида болалар ҳаёти, соғлиғи ва жинсий дахлсизлигини ҳимоя қилиш, зўравонликнинг барча шаклларидан, шу жумладан, оила ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ислоҳотларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу борадаги ёндашувнинг муҳим жиҳати шундаки, энди болани ҳимоялаш фақат муаммо юзага келгандан кейин чора кўриш билан чекланмайди. Асосий эътибор унинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир йигит-қизнинг манфаатларини кафолатлашга қаратилмоқда.

Шу йил 14 октябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун бу борадаги чора-тадбирларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига болаларга нисбатан зўравонлик, жумладан, жинсий зўравонлик, шунингдек, боланинг ўлимига сабаб бўлган жиноий қилмишлар учун жавобгарликни кучайтиришни ҳамда вояга етмаганларга нисбатан янги мажбурлов чораларини белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун ҳимоясида

— Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган барча ислоҳотлар, қонунлар замирида инсон қадрини таъминлашдек улуғвор мақсад мужассам, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Калонов. — Сўнгги йилларда Ўзбекистон Богота ҳаракатлар чақирувига қўшилди. Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал альянс аъзолигига қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 24 декабрдаги “2026 — 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2026 йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармонларига мувофиқ болаларни зўравонликдан ҳимоялашнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Яқинда қабул қилинган қонун ҳам ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, бола ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Биз бола зўравонлик қурбонига айланмаслиги учун оилада, мактабда, маҳаллада муносиб шароит яратишимиз, уни ўз вақтида ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришимиз керак. Бундай жирканч жиноятларга қўл ураётган кимсалар ҳам жамиятдан айро яшамайди. Уларнинг ҳам ота-онаси, яқинлари, қариндошлари, маҳалласи бор. Шу боис бундай қилмишларга нисбатан сукут сақлаш, бефарқ қараш мумкин эмас. Биз болага, аввало, ота-она, яқин қариндош, ўқитувчи ва тарбиячилар масъул деймиз. Афсуски, бундай кўнгилсиз ҳодисалар оилада, таълим муассасаларида содир этилмоқда. Энди болага нисбатан зўравонлик учун жазонинг оғирроқ бўлиши қонунда алоҳида кўрсатилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зуҳриддин Мавлонов бу ҳақда шундай дейди:

— Асосий янгилик — Жиноят кодексининг 118-моддаси тўртинчи қисми ва 119-моддаси тўртинчи қисми санкцияларига ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш ҳамда унга нисбатан жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятлари учун 15 йилдан 25 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси киритилди. Унга мувофиқ, кодекснинг 50 ва 51-моддаларидаги узоқ муддатли ҳамда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоларини қўллаш доираси кенгайтирилди. Бу ерда муҳим юридик фарқ бор: такроран жиноят содир этиш ёки рецидив мазкур санкцияни қўллашнинг мажбурий шарти сифатида белгиланмаган. Қилмиш тегишли модданинг тўртинчи қисми билан квалификация қилинганда болалар ҳаёти, соғлиғи ва жинсий дахлсизлигига қарши содир этилган жиноятлар юзасидан парламент назоратини олиб боради, — дейди Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) Сурайё Раҳмонова. — Таҳлилларимизга кўра, болаларга нисбатан жинсий зўравонлик содир қилганлик учун тайинланаётган жазо чорасининг жиноят оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик кўрсаткичига етарли даражада мувофиқ келмаслиги, жазо меъёрини белгилашда сезиларли фарқлар кузатилаётганди. Ваҳоланки, жинсий зўравонлик содир этган шахсга муносиб ва қатъий жазо тайинланиши унинг ахлоқан тузалиши, янги жиноятга қўл уришининг олдини олишда муҳим. Акс ҳолда болаларнинг такроран жинсий зўравонлик қурбонига айланиш хавфи ортади. Болалар омбудсмани болаларга нисбатан оғир жинсий жиноятларни (номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш) содир этган шахсларга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаб-қувватлайди. Яъни жабрланувчи болаларга ихтисослашган тарзда тезкор психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни кўзда тутувчи ягона механизм йўлга қўйилиши керак. Шу боис янги қонунда вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнини видеога ёзиб олиш, жинсий жиноятлар бўйича юзлаштиришнинг алоҳида тартибини белгилаш, болага нисбатан зўравонлик унинг яқинлари томонидан содир этилган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг процессда иштирокини таъминлаш масалалари назарда тутилган.

Болаларга қарши жиноятларнинг ўрганилган айрим ҳолларида қонуний вакил бўлган ота-оналар боланинг манфаатига зид ҳаракатланиши кузатилган. Жабрланувчи болани ўз кўрсатмаларини ўзгартиришга ёки зўравонлик ҳолати бўлганлигини инкор қилишга мажбурлаш, руҳий босим ўтказиш ҳолатлари қайд этилган. Шу каби хавфлар нуқтаи назаридан васийлик органлари боланинг энг устун манфаатларини ишончли таъминлаш манбаси сифатида фаоллашиши ниҳоятда муҳим.

— Ҳар бир бола хавфсиз муҳитда яшаш, ривожланиш ҳамда ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ҳуқуқига эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси Собиржон Эргашев. — Болага нисбатан зўравонлик жамият тараққиётига жиддий таҳдид солувчи ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш инсон қадрини улуғлашга қаратилган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Янги қонун бола давлат ва қонун ҳимоясида экани ҳақида жамиятга аниқ ҳамда қатъий сигнал юбориб, болаларга нисбатан жиноятлар учун жазо муқаррар ва кескинлигини англатди. Бунда жамият ва давлат зўравонликка нисбатан мутлақ муросасизлик тамойили атрофида бирлашиб, яратилаётган янги ҳуқуқий механизм эса фарзандларимиз бугуни ва келажагини ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Янги қонун болалар учун зўравонликдан холи фаровон ҳаёт яратишга, инсон қадрини улуғлашга давлатнинг ва бутун жамиятнинг бирдек вазифаси эканидан далолат беради. Шунинг учун ҳам боланинг энг устун манфаатини таъминлаш йўлида барча саъй-ҳаракатларимиз муштарак бўлиши зарур.

Адиба УМИРОВА
(«Халқ сўзи»).

Ҳукуматнинг тегишли қарорига мувофиқ, сув омборлари ва уларга туташ ҳудудлардаги бўш ер участкаларида туризм хизматлари ташкил қилинади.

БУХОРО ТУРИЗМИ ЯНГИ БОСҚИЧ ОСТОНАСИДА

Бухоро бугун икки манзарани ўзида жамлаган: бир томонда минг йиллар сайқал берган мерос, иккинчи томонда дунёни қабул қилишга шайланаётган янги шаҳар. Мамлакатимиз 2027 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилади, Ҳамдўстлик давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси эса айнан Бухорода ўтказилади. Бу воқеа шаҳар туризми учун ҳам янги босқич бошланганини англатади.

Нуқтаи назар

Куз фаслида Бухоро ўзгача бўлади. Салқин ҳавода Лаби ҳовуз ансамбли атрофи гавжум, савдо гумбазлари остида турли тиллар янграйди. Тарихий марказдан бироз нарида эса қурилиш техникаси тинмайди, янги бинолар қад ростламоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 3 ноябрь куни Бухорода Конгресс-холл, замонавий меҳмонхоналар ва янги туризм маркази қурилиши билан танишди. Шу ернинг ўзида шаҳар инфратузилмасини 2027 йилда ўтказилиши режалаштирилган саммитларга пухта тайёрлаш юзасидан мутасаддиларнинг ахборотини тинглади ва тегишли топшириқлар берди.

Хўш, Бухорода туризм қандай ривожланмоқда? Соҳа истиқболи қайси омилларга боғлиқ?

Натижалар рақамларда

Жорий йилнинг тўққиз ойида Бухоро вилоятига 2 млн. 608 минг нафар хорижий ва 4 млн. 632 минг нафар маҳаллий сайёҳ келди. Хорижий меҳмонларга кўрсатилган хизматлар ҳисобига туризм экспорти 745,2 млн. долларга етди. Бу рақамларнинг қадрини билиш учун ортга қарайлик: 2021 йилда вилоятга атиги 49 минг нафар хорижий сайёҳ ва зиёратчи келган эди. 2022 йилда бу кўрсаткич 552,6 минг нафарга чиқди. 2025 йилда эса вилоятга келган сайёҳлар сони 7,5 млн. нафарга етди, улардан хорижликлар 2,7 млн. нафардан ошиб, 2016 йилдагига нисбатан 15 баробар кўпайди. Ҳукумат 2022 йилда қабул қилган қарорда 2026 йилгача сайёҳлар оқимини 5 млн. нафарга, экспортни 600 млн. долларга етказиш вазифаси қўйилган эди. Бу марралар йил тугашини кутмасдан босиб ўтилди. Жорий йил учун янада баланд мақсад белгиланган: 3,5 млн. хорижий ва 5,5 млн. маҳаллий, жами 9 млн. сайёҳ.

Бугун вилоятда туризм ва унга туташ соҳаларда 85 минг нафар аҳоли меҳнат қилмоқда. Йил бошидан буён 79 та янги жойлаштириш воситаси ишга тушиб, уларнинг сони 757 тага етди. Белгиланган мақсадга етиш учун йилнинг сўнгги чорагида 892 минг нафар хорижий меҳмон қабул қилиш керак бўлади. Таққослаш учун, учинчи чоракда мазкур рақам 1 млн. 31 минг нафарни ташкил этган. Қиш ойларини ҳисобга олсак, вазифа мураккаб, аммо имконсиз эмас.

Бу ютуқлар умуммиллий жараённинг бир қисмидир. 2025 йилда мамлакатимизга келган хорижлик сайёҳлар сони 2016 йилдагига нисбатан қарийб олти баробар, туризм хизматлари экспорти эса ўн бир карра ошган. Биринчи ярим йилликда мамлакатимизга келган хорижий сайёҳларнинг 23,1 фоизи Бухоро ҳиссасига тўғри келди.

Халқаро эътироф ҳам бежиз эмас. Бухоро 2020 йилда Ислом олами маданияти пойтахти, 2023 йилда “Бутунжаҳон ҳунармандлар шаҳри” мақомига сазовор бўлди. Осиё хотин-қизлар II форуми, “Ипак ва зиворлар” фестивали, I Бухоро биенналеси шаҳарнинг йирик тадбирларга мезбонлик қилиш салоҳиятини намоён этди.

Сифат — асосий мезон

Иқтисодчи учун муҳим савол: туризм ривожида кейинги босқичнинг мезони нима? Менимча, у энди ташриф буюрувчилар сони эмас, ҳар бир меҳмон қолдирадиган қўшилган қиймат бўлиши керак. Оддий ҳисоб-китоб қилайлик. Агар йилига келадиган 3,5 млн. хорижий меҳмоннинг ҳар бири бир кун кўпроқ қолиб, атиги 50 доллар ортиқ сарфласа, вилоятга қўшимча 175 млн. доллар киради. Бунинг учун битта ҳам янги сайёҳ жалб этиш шарт эмас. Туризмнинг янги босқичи янада кўпроқ меҳмон қабул қилиш эмас, балки ҳар бир меҳмонга Бухорода яна бир кун қолиш учун сабаб бера олишдир.



Келгуси йил Бухоро учун одатдаги йил бўлмайди. Шаҳар тақвимида бир-бирига яқин турган учта йирик халқаро воқеа бор. Иккинчи Бухоро биенналеси 2027 йил 3 сентябрдан 21 ноябрга қадар давом этади. Ҳамдўстлик давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси 8-9 октябрь кунлари ўтади. Шу йилнинг ўзида шаҳар ЮНЕСКО Ижодкор шаҳарлар тармоғининг халқаро конференциясига мезбонлик қилади. Унда 110 га яқин мамлакатлардаги 408 та ижодкор шаҳар вакиллари қатнашиши кутилмоқда. Эътибор берсак, саммит кунлари биеннале давомига тўғри келади. Куз эса Бухорода сайёҳлик мавсумининг энг қизғин пайти. Демак, 2027 йил октябрида шаҳар бир вақтнинг ўзида давлат делегацияларини, халқаро журналистларни, санъат ихлосмандларини ва одатдаги сайёҳлар оқимини қабул қилади.

Бунинг кўламини 2025 йил тажрибаси кўрсатиб турибди. Биринчи биенналенинг дастлабки 60 кунида вилоятга 1 млн. 592,7 минг нафар сайёҳ ташриф буюрган, бу ўтган йилнинг мос давридан 1,6 баравар кўп эди. Иккинчи биенналега рассом ва ҳунармандлар қаторига экологлар, тарихчилар, иқтисодчилар ва урбанистлар ҳам қўшилади. Биз, олимлар учун бу алоҳида қувончли ҳол.

ЮНЕСКО анжумани ҳам оддий тадбир эмас. Дунёнинг турли минтақаларида ижод, дизайн, ҳунармандчилик, адабиёт ва мусиқани шаҳар тараққиёти билан боғлаб келаётган марказлар вакиллари бир майдонда жамланади. Хорижий делегациялар тарихий обидаларни томоша қилиш билан чекланмай, шаҳарнинг жонли маданий муҳити, “Уста — шогирд” анъаналари билан яқиндан танишади.

Шундай қилиб, шаҳар қисқа вақт ичида ҳам сиёсат, ҳам маданият, ҳам ижод майдонига айланади. Бу катта шараф. Айни пайтда бундай юклама учун пухта мувофиқлаштириш талаб этилади.

Энг катта бойлик — инсон

Энг замонавий меҳмонхонани бир-икки йилда қуриш мумкин. Аммо меҳмонни самимий кутиб оладиган, унинг тилида гапирадиган, Бухоро тарихини қизиқарли ҳикоя қилиб бера оладиган ходимни тайёрлаш учун ундан кўпроқ вақт ва сабр керак. Олий таълим вакили сифатида энг кўп ўйлантирадиган масала ҳам шу.

Туризмда кадрлар масаласи бугун янги босқичнинг марказида турибди. Австриянинг Кремс амалий фанлар университети билан ҳамкорликда қўшма факультет очиш, Бухоро туризм ва маданий мерос техникумини халқаро талаблар асосида қайта ташкил этиш режалаштирилган. Бу ерда тўлиқ дуал таълим, яъни ўқувчининг дарсхона билан бирга иш жойида ҳам ўрганиши назарда тутилмоқда. “Ўқиш — амалиёт — иш” тамойили туризм таълими учун энг тўғри йўлдир.

Яқинда ўтказилган учрашувларда ўқув меҳмонхонаси ва ресторанини очиш, педагогларнинг хорижда малакасини ошириш ҳамда



“2+2” шаклидаги қўшма бакалавриат дастури имкониятлари муҳокама қилинди. Бу ўринда педагог масаласи ҳал қилувчидир: замонавий таълим сифати, аввало, замонавий билимга эга ўқитувчига боғлиқ.

Муаммоларга кўз юмиш ҳам тўғри эмас. Ўтган йил ноябрида вилоят депутатлари туризм масаласини муҳокама қилганда, сайёҳлар учун тураржой ва хостеллар етарли бўлишини таъминлаш, инфратузилма ва сервисдаги камчиликларни бартараф этиш, соҳада ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини кучайтириш зарурлиги айтилган эди. Иш берувчи қандай мутахассисга муҳтож, ўқув дастурларида нимани ўзгартириш керак, деган саволларга таълим муассасалари ва соҳа вакиллари биргаликда жавоб излаши лозим.

Имконият ва масъулият

Бухоро давлат университети бу жараёндан четда турмайди. Йилига минглаб ёшлар таълим оладиган даргоҳ шаҳарнинг нафақат илмий, балки инсоний салоҳияти манбаидир. Университетимизда Иқтисодиёт ва туризм факультети фаолият юритмоқда. Шу йил янги ўқув йили бошида 86,5 млрд. сўм ўз маблағимиз ҳисобидан барпо этилган 2 700 ўринли ўқув биноси, Ахборот-ресурс маркази ва 400 ўринли талабалар тураржойи фойдаланишга топширилди. Президентимиз ташаббуси билан 30,2 гектар майдонда 20 минг ўринли ўқув бинолари ва 5 400 ўринли талабалар тураржойини ўз ичига олган янги кампус барпо этилмоқда.

Мазкур имкониятларни туризм равнақи билан боғлаш вақти келди. Менимча, олий таълим бу борада уч йўналишда ҳисса қўша олади. Биринчиси — тил ва хизмат маданияти. Биеннале, саммит ва ЮНЕСКО анжумани талабаларимиз учун энг яхши амалиёт мактаби бўлиши мумкин. Уларни кўнгилли, таржимон ва йўл кўрсатувчи сифатида жалб этиш ҳам шаҳарга, ҳам ёшларга фойда келтиради.

Иккинчиси — илмий таҳлил. Сайёҳ неча кун қолади, қанча сарфлайди, нимадан норози бўлади, қайта келишга тайёрми? Бу саволларга аниқ жавоб бермасдан, тўғри қарор қабул қилиш қийин. Иқтисодчи ва социолог олимларимиз ҳудудий туризм тадқиқотларида амалий ҳамкор бўлиши мумкин.

Учинчиси — мерос ва ижод. Бухоро “Амалий безак ва халқ санъати” йўналишида ЮНЕСКО Ижодкор шаҳарлар тармоғига Марказий Осиёдаги илк шаҳар сифатида кирган. Тарихчи ҳамда санъатшунос олимларимиз, дизайн ва рақамли маркетинг йўналишидаги ёшларимиз ҳунармандларга ёрдам бера олади. Қадимий нақш замонавий дизайн билан, устахона электрон савдо билан учрашиши лозим.

Бухоро туризмининг янги босқичи замонавий инфратузилма, сифатли сервис, малакали кадрлар ва бой маданий меросни ягона тараққиёт занжирига бирлаштиришни тақозо этади. 2027 йилдаги халқаро тадбирлар шаҳар учун ўз салоҳиятини жаҳонга намоён қилиш, туризм иқтисодиётини янги даражага олиб чиқиш имкониятидир. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш эса давлат идоралари, тадбиркорлар, таълим муассасалари ва маҳаллий аҳолининг ҳамжиҳатлигига боғлиқ. Зеро, Бухоронинг энг катта бойлиги фақат унинг асрий обидаларида эмас, балки шу меросни асраб-авайлаб, дунёга муносиб тарзда танита оладиган инсонларида ҳам мужассам. Бухоро энди шунчаки сайёҳлар келадиган манзил бўлибгина қолмай, жаҳонни ўзига чорлайдиган замонавий туризм, маданият ва маърифат марказига айланиши керак.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ МЕЗОНИ

Давлатимиз раҳбари яқинда тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан учрашувда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда уларнинг натижаларига тўхталиб, қанча замонавий клиникалар қурмайлик, энг сўнгги ускуналарни олиб бермайлик, малакали ходимларсиз натижа бўлмайди, дея таъкидлади.

Фикр

Дарҳақиқат, ислоҳотларимизнинг асосий мақсадларидан бири ҳам фуқароларнинг, унинг ижтимоий мақоми ва истиқомат жойидан қатъи назар, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини амалда таъминлашдан иборатдир. Бунда, албатта, малакали кадрларнинг ўрни беқиёс.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритилганда, кўпинча сиёсий ва фуқаролик эркинликлари устувор қўйилади. Ваҳоланки, инсоннинг жисмоний ҳамда руҳий соғломлиги таъминланмаган маконда бошқа барча ҳуқуқ ва эркинликлар ўз амалий қимматини йўқотади. Шу боис юртимизда тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш ва марказдан йироқда жойлашган ҳудудларда яшовчи аҳоли учун ҳам сифатли тиббий ёрдамни яқин ҳамда ҳамёнбоп қилиш инсонпарвар сиёсатнинг марказида туради.

Конституциямизга кўра, фуқаролар тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли. Шу мақсадда давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам пакетини жорий этиш, рақамлаштириш асосида шаффоф ва интеграциялашган тизимни йўлга қўйиш, маҳаллалар миқёсида бирламчи бўғин ва скрининг тизимини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Рақамларга мурожаат қилайлик. Сўнгги ўн йилда 10 млн. аҳолига хизмат кўрсатадиган янги поликлиника ва шифохоналар ишга туширилиб, 58 мингта ўрин қўшилди, тиббий хизматлар ҳажми уч баравар ошди. Илгари фақат хорижда кўрсатиладиган юздан ортиқ мураккаб хизматлар — туғма юрак нуқсонлари жарроҳлиги, тана аъзолари трансплантацияси, робот ёрдамидаги операциялар энди юртимизда амалга ошириляпти. Оилавий шифокор модели 28 туманда синовдан ўтказилиб, 7 млн. аҳоли муайян шифокорга бириктирилди. Бу туманларда кафолатланган пакет доирасида амбулатор беморларга 69 турдаги дори воситалари бепул берилмоқда. 2027 йилда модель яна 100 та туманга жорий этилади, бепул дорилар рўйхати 73 турга, текин таҳлиллар эса 36 турга етказилади.

Соғлиқни сақлаш давлат сиёсатининг стратегик устуворлигига айлангани молиялаштиришда ҳам кўринади. Президентимиз 28 август куни эълон қилган миллий дастурга кўра, аҳоли саломатлиги билан боғлиқ давлат харажатлари келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизига етказилади.

Мулоқотда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш ва уни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилди. Хусусан, таълим, қурилиш, санитария-гигиена, бемор хавфсизлиги ва ходимлар маданиятини қамраб оладиган “Янги Ўзбекистон тиббиёт стандартлари” жорий этилади. Мазкур қадамлар беморларнинг ҳуқуқларини ҳимояга олиш билан бир қаторда, соҳа мутахассисларининг мақомини юксалтиришга ҳам хизмат қилади. Бу, аввало, соҳани институционал қўллаб-қувватлаш асосида шифокорларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш, касбий хавф-хатарларни камайтириш ҳамда уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришни назарда тутади.

Шу билан бирга, рақамлаштириш орқали ортиқча бюрократияга барҳам бериш, давлат тиббий суғуртасини кенг жорий этиш ва беморлар учун ажратилаётган маблағларнинг шаффофлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Давлат шифохоналаридаги хизматлар ҳақи суғурта тизими орқали тўланади, шифокор ва ҳамшираларнинг иш ҳақини белгилашда эса беморлар мамнунлиги асосий мезонлардан бирига айланади.



Давлатимиз раҳбари нутқида превентив тиббиёт масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу ёндашув касалликни даволашдан кўра унинг олдини олишга урғу беради, маҳалла даражасида скрининг ҳамда профилактик кўрикларни тизимли йўлга қўйишни талаб қилади. Масалан, ошқозон, йўғон ичак, простата ва ўпка саратонини эрта аниқлаш дастури Самарқанддан бошланиб, 2028 йилда барча ҳудудларга татбиқ этилади. Беш вилоятда амалга оширилаётган инфаркт ҳамда инсультга қарши дастур натижасида беш ойда эрта ўлим ҳолатлари 15 фоизга камайди.

Яна бир муҳим жиҳат, тиббиётни янада ислоҳ қилишда илм-фан, таълим ва ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш билан бевосита боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, 2027 йилдан тиббиёт олийгоҳлари талабалари ҳафтада уч кун бемор билан ишлашни ўрганади, тор мутахассисликлар бўйича резидентура бепул бўлади. Тиббий таълим сифатини ошириш, хорижий етакчи марказлар билан тажриба алмашиш, юқори технологияли амалиётларни маҳаллийлаштириш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлиги бевосита унда фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг касбий салоҳияти ва маънавий-руҳий ҳолатига боғлиқ. Инсон саломатлигига масъул бўлган, кечаю кундуз фидойилик кўрсатаётган шифокор ва ҳамшираларнинг ижтимоий мақомини ошириш, уларнинг хавфсизлиги ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш — давлат сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланади. Бу борада қонунчиликда аниқ кафолат ҳам мавжуд.

Тиббиёт ходимлари билан ўтказилган самимий мулоқот соғлиқни сақлашга қаратилган ислоҳотлар фақатгина соҳавий янгиланиш эмас, балки умумдавлат миқёсидаги ижтимоий-ҳуқуқий тараққиётнинг мантиқий давоми эканини кўрсатади. Мазкур жараёнда парламент зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланади. Зеро, биоэтика ва биотехнология, давлат тиббий суғуртаси, тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда ижтимоий ҳимоясига оид қонунчилик базасини такомиллаштириш, қабул қилинаётган қарорлар ижросини парламент назорати орқали изчил ўрганиб бориш бугунги кун талабидир.

Йўлдош ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти бош илмий ходими, юридик фанлар доктори.

ДУНЁ ХАФТА ИЧИДА

60 КИЛОМЕТРЛИК НОЁБ МЕТРО ЛИНИЯСИ

Хитойнинг Ухан шаҳрида умумий узунлиги 59,9 километрни ташкил этувчи 12-ҳалқа метро линияси тўлиқ фойдаланишга топширилди. Ушбу йўналиш 37 та ер ости бекатидан иборат бўлиб, мавжуд ва режалаштирилган 18 та метро линияси ҳамда шаҳарнинг икки йирик темир йўл вокзалини ўзаро боғлайди. Ҳалқа бўйлаб тўлиқ айланиш учун 96 дақиқа вақт кетади.

Лойиҳа доирасида метро линияси Янцзи дарёси остидан икки марта ва Хан дарёси остидан бир марта ўтади. Линияда поездларни бошқаришнинг энг юқори — GOA4 (Grade of Automation 4) тўлиқ автоматлаштирилган ҳайдовчисиз тизими жорий этилган. Поездлар эрталаб инсон иштирокисиз автоматик тарзда “уйғонади”, ўзини ташхисдан ўтказиб йўналишга чиқади, бекатларда тўхтайди ва кечқурун депога қайтиб “уйқу режими”га ўтади.

Шунингдек, тизим тиқилинч вақтларда қатнов оралиғини ва фавқулодда вазиятларда айланма йўналишларни мустақил созлайди.

ҚИММАТБАҲО БУЮМЛАР ЎҒИРЛАНДИ

“Le Parisien” нашрида хабар берилишича, Францияда номаълум шахслар заргарлик заводидан 50 килограммгача олтин ва бошқа қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб кетди. Ўғрилик Безансон шаҳридаги заргарлик заводида содир бўлган. Эрталаб соат 7:00 атрофида никоб ва бронежилет кийган беш нафар шахс завод ҳудудига бостириб кирган.

Жиноятчилар қочишда фойдаланган автомобиль кейинчалик ёқиб юборилган ҳолда топилган. Ҳужум оқибатида заводнинг бир ходими жароҳатланди. Прокуратура тергов бошлаган ва ишни уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимига топширган.

БЕГЕМОТЛАР НОБУД БЎЛМОҚДА

Конго Демократик Республикасидаги Вирунга миллий боғида сўнгги бир ой ичида 28 та бегемот қуйдирги касаллигидан нобуд бўлди. Мутахассислар касаллик одамларга ҳам юқиши мумкинлигидан огоҳлантирмоқда. Қайд этилишича, сентябрь ойининг ўрталарида Африканинг энг қадимий миллий боғларидан бири ҳисобланган Вирунга ғарбидаги Семулики дарёсида бегемотларнинг жасадлари топила бошлаган.

Лаборатория текширувлари натижасида ҳайвонларнинг ўлимига “Bacillus anthracis” бактерияси келтириб чиқарадиган куйдирги касаллиги сабаб бўлгани тасдиқланган. Ҳудуд аҳолисига топилган ўлик ҳайвонларга тегмаслик, уларнинг терисини шилмаслик ва гўштини истеъмол қилмаслик ҳақида огоҳлантириш берилди. Ҳозирги кунда мутахассислар зарарланган ҳудудни кузатиб, янги ҳолатларни қайд этмоқда ҳамда ҳайвонлар жасадларини хавфсиз йўқ қилиш чораларини кўраётир.

ЖУРНАЛИСТЛАР ДРОН ҲУЖУМЛАРИГА УЧРАЯПТИ

UNESCO томонидан эълон қилинган янги ҳисоботда маълум қилинишича, сўнгги 20 йил давомида дунё бўйлаб 1 641 нафар журналист ҳалок бўлган.

Ташкилот маълумотларига кўра, 2006 йилдан буён журналистлар ўлими мунтазам кузатилаётир. Қайд этилган ўлим ҳолатларининг асосий қисми қуролли можаролар билан боғлиқ. Хусусан, 2024-2025 йилларда дунё бўйлаб 189 нафар журналист ҳалок бўлган. Уларнинг 127 нафари, яъни умумий кўрсаткичнинг 67 фоизи қуролли тўқнашувлар ҳудудида ўлдирилган. Бу 2022-2023 йиллардаги кўрсаткичдан 24 фоиз кўп.

Ҳисоботга кўра, журналистлар ўлимининг катта қисми учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) зарбалари оқибатида содир бўлган. Жумладан, 2024-2025 йилларда журналистлар ўлими билан боғлиқ ҳолатларнинг 40 фоизи дронлар қўлланилиши ҳиссасига тўғри келган. Камида олтита мамлакатда 50 нафардан ортиқ журналистлар айнан шу сабаб туфайли ҳалок бўлган.

БМТ ҒАРБИЙ САҲРОИ КАБИРДАГИ МИССИЯСИНИ ЯКУНЛАДИ

“Associated Press” нашрида ёзилишича, шу тариқа 35 йилдан бери фаолият юритган тинчликпарвар миссия ўз фаолиятини якунлади.

Маълум қилинишича, 1991 йилда ташкил этилган MINURSO миссиясининг ваколати бир неча бор узайтириб келинган. Унинг асосий вазифаси Ғарбий Саҳрои Кабирда сулҳга риоя этилишини кузатиш ва ҳудуднинг келажаги бўйича референдум ўтказилишига кўмаклашишдан иборат эди. Бироқ референдум шу кунгача ўтказилмаган.

Ғарбий Саҳрои Кабир Африканинг шимоли-ғарбида, Атлантика океани соҳилида жойлашган бўлиб, ҳудуд Марокаш ва мустақиллик тарафдори бўлган Полисарио фронти ўртасида баҳсли ҳисобланади. БМТ уни ўзини ўзи бошқармайдиган ҳудуд сифатида таснифлайди.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

2026 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда муомаладаги банк карталари сони 79,2 миллионтага, тўлов терминаллари эса 459 мингтага етди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 7 ноябрь

11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

«САНГАРДАК»ДА ДАМ ОЛГАНМИСИЗ?

Сангардак бор бўй-басти билан Термиздан қарасангиз ҳам кўзга ташланади. Унинг виқору салобатидан ақлингиз шошади. Бу муболаға эмас. Лекин... Сангардак тоғлари, Сангардак шаршараси бир томон, "Сангардак" сиҳатгоҳи бир томон. Улуғликлар бир-бирига куч-қувват. Табиат илоҳийлиги билан инсон салоҳияти ёнма-ён. Кўз ўнгимизда санъат даражасидаги мукаммаллик. Нурли бутунликда гўзаллигу жозиба.

Чори Жумақулов — зиёли инсон. Ёруғлигу маърифатнинг ичида юради. "Сангардак"да дам олганмисиз? — деб қолди у бир куни. — Бу сиҳатгоҳда бўлмабсиз — дунёга келмабсиз..."

Ҳайратига ҳайрат билан қарадим. Билганларимни бир-бир "варақладим". Сиҳатгоҳлар кўп, Сурхондарёнинг ўзида қанча?! Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарайдигани тўртта! "Термиз марвариди"дан "Омонхона"гача, "Хўжаипок"ни айтмайсизми?! Аммо "Сангардак" барибир бошқача.

Хўш, бу ажиб сиҳатгоҳнинг лол қолдирадиган жиҳати нимада?!

Деновлик Қудрат Шарипов билан тасодифан гурунгимиз қўшилди. Ўзи фермер, аммо дунёнинг ҳамма жойидан хабардор. Бир қўлида боғқайчи, бир қўлида китоб. Доимий шундай. Икковини юраги туташтиради. Сангардакдан гап очдиму қутулолмай қолдим:

— Сангардакни биламан, — салмоқланиб сўзлади у, — "Сангардак" санаторийси унга узукка қўйилган кўздек бўлди. Дунё кезадиган одамман. Ўндан ортиқ мамлакатларга борганман, етти иқлимнинг табиатини биламан. Ишонинг, "Сангардак" бошқача жой...

Кўнгилдаги гаплар... Қандай қизиқмайсиз?! Юрагингизни тортаверади. Сангардакка интилаётганингизни билмай қоласиз...

Сангардак... Тоғлар маҳобати. Оппоқ булутлар сабоҳати. Шарқираган сойлар синоати, ранго-ранг гуллар малоҳати, тоғ одамлари шижоати, тенгсиз таровату тажассум ичидаги бебаҳо шаршарангинг заррин-заррин зарофати. Ҳамма жойда куз, бироқ бу ерда ҳамон яшиллик латофати. Боғларда узилаётган қип-қизил олмалар — Аллоҳнинг инояти. Жаннатнинг бир парчасидай. Ҳузур туясиз. Юрагингиз яйрайди...

"Сангардак" санаторийсига келганлар... "Келибди-ю кетибди" эмас. Шаршарадан тўядилар — вужудлари мавжланиб нафас олади. Шаршарангинг сочилаётган дуру гавҳар томчилари, қатралари оралаб кезаётганингизда, тонгдай покланасиз. Санаторийга қайтиб бориб деразадан қарайсиз. Кўнглингиз тўйиб-тўйиб шаффофланади... Танангизда дард қолмайди. Дунёнинг энг соғлом одамига айланасиз.

Сиҳатгоҳ очилганига уч йил бўлди. Тоғдай-тоғдай одамлар шу тоғ бағрини излаб келишди. Қалблари тоғланди, вужудлари дардлардан халос бўлди. "Сангардак"нинг шифолари сиз ўйлагандан-да аъло. Ичкарида минг дардга даво, ташқарида минг дардга даво... "Сангардак" бағридамисиз, шифолар ичрамисиз, сиз дунёга қайтадан келяпсиз.

"Сангардак" санаторийси директори Зафаржон Муҳаммадиев — товонидан ўт чақнаган йигит. Илмли, дунёқараши баланд. Сўзлари маъноли...

— "Сангардак" санаторийси ўз-ўзидан барпо этилмаган, — дейди у. — Президентимиз назари тушган бу ерга. 2019 йили Сурхондарёда бўлганида "Сангардакда санаторий қурамиз" деб топшириқ берган. Бунёдкорлик ишларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бош-қош бўлди.

— Қанча маблағ кетган қурилишига? — дейман қизиқиб.

— 150 миллиард сўмлик маблаққа бунёд бўлган. Кўриб турибсиз, сиҳатгоҳимиз 7 қаватли. Бундан ташқари, 2,5 км. ички йўл қилинган. 2 та кўприк барпо этилди. 5 километрлик электр линияси тортилди. Барчаси ободлик. Элнинг фаровонлиги. Сизга ҳаммасини бир бошидан айтиб берсам. Ўринлар сони 200 кишилик. Йиллик қамрови 5 500 нафар. Бу ерда, энг муҳими, тоғнинг мусаффо ҳавоси. Сиз ўйлашингиз мумкин тоғлар кўп-ку, деб, тўғрими?

— Тўғрисиям шу. Сурхондарёда Шерободдан Сариосиёгача тоғлар. Бу томонда Боботоғ. Қолаверса, Ўзбекистонимизда қанча тоғлар бор. Бири-биридан кўркам, бири-биридан баланд. Тоғ тоққа ўхшамайдими?

Зафар Муҳаммадиев жилмайди:

— Кўпчилик шундай ўйлайди. Лекин тоғдан тоғнинг фарқи бор. Ҳар бирининг жозибаси, ҳавоси, табиати, инсон соғлиғига таъсири бўлакча.

Директор гапираётганда, дафъатан, хаёлимдан ўтди. Рост айтяпти. Ҳамма тоғдан олтин чиқмайди-ку. Сариосиёдаги тоғлардан олтин олинади. Яна қанча қимматбаҳо металлар. Табиатнинг ҳа деганда айтавермайдиган сиридир бу балки. Тоғ бағридаги олтин конларининг соғлиққа биз ҳали англаб етмаган шифолари бўлса-чи? "Сангардак" санаторийсида юрагим "отдай" бўлди, деганлар кўп-да. Ўзбекистоннинг олис-олис гўшаларидан шифо излаганлар келяпти, ахир...

— Зафаржон, сиҳатгоҳингизга қаерлардан дам олиш учун, соғлиғини тиклаш учун келишади?

— Айтсам, ҳайрон қоласиз, нафақат юртимизнинг турли ҳудудларидан, балки Америка Қўшма Штатлари, Австрия, Россия, Тожикистон ва бошқа ерлардан ҳам келишади. Қандай қилиб дейсизми? Сабаби бор. Аввало, Президентимиз туризмга кенг йўл очди. Сайёҳлар оқиб келяпти. Яшириб нима қиламан, ўн йиллар илгари туризмга эътибор кам, бу ерда эса санаторийнинг ўзи йўқ эди. Бу томони Сангардак шаршараси. Уни дунё билади. Қизиқади. Кимдир кинога олади. Яна биров илмий ўрганади. Бошқа-



си саёҳат учун. Келадилар, кўрадилар. Ажойиб санаторий. Сойнинг бўйида. Ҳар томонида тоғ. Шифомисан шифо. Қарашади, кўришади, ҳамма шароит яратилган. Касаба уюшмаси доимий ёрдам қилади. Иккиланмай айтаман, физиотерапия муолажалари қарийб тўла йўлга қўйилган. Яна янгиланиб боряпти. Ҳозир 14 турдаги даво чоралари... Дарсонвалдан электрфарезгача, гидроаэроионизациядан лимфодренажгача, оксигенотерапиядан ичакни ювишгача, амплипульсдан кедр бочкасигача... Барча шароит бор. Келган киши даво топади. Соғлиққа эришган одам Париждан бўлса ҳам, яна келади. Азиз жой, дейди. Дардлардан қутулганда ахир!

— Зафаржон, бу тоғнинг ҳавоси ҳам мингта муолажага тенг...

— Тоғнинг ҳавосини айтиб адо қилолмайман. Лекин келиб кўрганга келмайди. Бир тўйиб нафас олсангиз, ўнта дардингиз кетади. Беш кунми, ўн кунми, бир ойми... дам олсангиз, жаннатни бир кўргандек бўласиз.

Мен эслайман, ўн-йигирма йил илгари йўл ёмон бўлса ҳам, эл келарди. Узоқ-узоқлардан. Бўлмаса, йўл азоби — гўр азоби. Бу қийинчиликни писанд қилишмасди. Сангардакка келса, чарчоқ чиқади. Кучга тўлишади. У пайтларда санаторий йўқ эди. Энди, буни кўринг. Йўл кафтдай текис, дам олишга санаторий, ҳар куни Сангардак шаршарасига саёҳат. Ободлик устига ободлик, дор йўли қурилди. Сиҳатгоҳга келганлар фақат танларига даво олиб қолмайди, тоғни кўради, дор йўлида кезиб, табиат гўзаллигини томоша қилади, чўққиларга яқиндан назар солади. Сангардак шаршарасига фақат пастдан эмас, юксакликдан ҳам нигоҳ ташлайди. Янги давр ислоҳотлари бу...

Зафаржон билан суҳбатимиз роса қизиди. Тоғ одамлари бошқача. Тоғларга ўхшайди улар. Мард, танти келади. Сўзларидан мен ҳам тоғландим.

Санаторийда биласизми, нима диққатимни тортди?! Кутубхона, маданият саройи, спорт хоналари, болалар ўйингоҳи... Китоб деса, кўзим чақнайди. Дунё бирдан ёришади. Ў-ў, янги китоблар...

Олимжон Ҳасанов... шу ерда дам оляпти. Олтинсойдан. Деҳқон бозорида назоратчи:

— Ҳузури жон экан бу ер! — дейди у.

— Республикада санаторий кўп. Уларга борганмисиз, Олимжон ака? — Билгим келади. Қиёсласам яхши-да.

— Борганман. Сизга юрагимдан бир гапни айтайми? Рости, биз қишлоқдагилар, биз, ўзбеклар десам ҳам бўлади, жонимизнинг қадрини билмаймиз. Президентимиз зўр-да. Қандай санаторийлар қилиб қўйибди. Тоғнинг ўртасида. Ана, Сангардак шаршараси. Катта гапирсам ҳам, айтайин, шаршарага тикилиб турсангиз, ичингизда ҳаяжонми, завқланишми бир яхши нарсалар пайдо бўлади. Дам оляпман, кундан-кунга соғаймоқдаман. Суягим енгиллашяпти. Тоғда дор йўли қурилган. Бу томонда дунё кўраётган шаршара. Қуш бўлиб учинг келади... Касаба уюшмасидан боринг дейишди. Одамнинг жони улар. Йўлланма беришди.

Газетага ёзасизми-йўқми, ўзингиз биласиз, лекин бир гапни айтай: санаторийда дам олаётганлар гурунг қиламиз, айтишадики, кўплаб одамларимиз дам олишни билмайди. Қачон қарасангиз, қора меҳнатнинг ичида. Кейин нима бўлади? Ёши 60 га етдими, касал. Бир кун қарасангиз, бели оғрийди, бир қарангиз оёғи, яна бир кун ўпкаси. Энди халқимизда дам олиш маданияти ҳам шаклланиши керак. Янги Ўзбекистонда ҳаёт сифати ошди. Юртдошларимиз ҳордиқ чиқаришни истаса, моддий имконияти етади. Қувонарлиси, замонавий шароитларга эга сиҳатгоҳларимиз ҳам кўпайди. Ошириб гапиряпти деманг, биргина мана шу санаторийда аллергиями, астмами, асабми, юракми, оёқми, эҳ-ҳе, яна қанча касалликлар даволаняпти. Албатта, мавжуд қулайликлардан фойдаланишимиз керак...

Олимжон ҳақ. Меҳнатнинг заҳматидаги ҳар бир инсон дам олишни ҳам билиши зарур. Файласуф айтган: "Мен дам олаётганимда энг буюк иш қилаётган бўламан".

"Сангардак" санаторийси... Бу ердаги суҳбатлар, мушоҳадалар, самимий гурунглар унинг қадрини янада оширади. Бу кўркам маъвога яна қайтишни дилга тугиб, Термизга йўл оламиз. Кўнгил эса сиҳатгоҳдан узилмайди. Ортга қарасангиз, баланд тоғ, қоялар, учаётган қушлар, ҳаёт узатаётган шаршара... Чўққилар қаторида етти қаватли "Сангардак" санаторийси ҳам бор маҳобати билан намоён. У ҳам гўё чўққи... Инсон саломатлиги чўққиси!

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ
("Халқ сўзи").

ҚАНТАК ЎРИК ЕВРОПАДА ҲАМ ХАРИДОРГИР

Фарғона тумани ўзининг ширин-шакар қантак ўриклари билан машҳур. Қўшни Қирғиз Республикасига чегарадош ҳудудда жойлашган "Марказ" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам боғдорчилик ва ўрикни қайта ишлаш тармоғи замонавий мезонлар асосида ривожланиб бораётгани эътиборга молик.

Экспорт

— Маҳалламиздаги 706 та хонадоннинг қарийб 350 тасида ўрик қайта ишланади. Бу йўналишда 400 — 500 нафар хотин-қиз меҳнат қилади, — дейди "Марказ" МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Шерзодбек Собиров. — Бу борада етакчи тадбиркорларимиз касаначиликни йўлга қўйиб, кўплаб хонадон аҳлини иш билан таъминлаган. Мен ҳам фаолиятим давомида 100 нафардан зиёд опа-сингилларимизни касаначиликка йўналтириб, уларнинг даромад топишига кўмаклашдим.

Бугунги бозор шароитида мева етиштиришнинг ўзи кифоя эмас. Маҳсулотни харидор талабига мос равишда саралаш, сифатини сақлаш ва замонавий усулда қадоқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.



— Бу иш билан оилавий шуғулланамиз. Асосан, июнь-июль ойларида ўрик пишади. Ёнимиздаги бозорга Яйпан, Қўқон, Тожикистон ва Қирғизистондан қуритилган ўрик олиб келишади. Биз уларни сотиб олиб, саралаймиз ва қадоқлаймиз, — дейди ёш тадбиркор Яҳёбек Қаҳрамонов. — Маҳсулотларимизни, асосан, Россия, Хитой ва Туркияга экспорт қиламиз. Халқаро стандартлар асосида завод барпо этганмиз. Айни пайтда қуритилган ўрикларни Европанинг бир нечта давлатига ҳам етказиб беряпмиз.

Шу тариқа, маҳаллада қайта ишланган ўрик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда ўз харидорларини топмоқда. Экспорт географиясининг ортиб бориши эса тадбиркорларга янги ҳамкорлар топиш, буюртмалар ҳажмини ошириш ва ишлаб чиқариш қувватини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Ботир МАДИЁРОВ
("Халқ сўзи").

ПИСКЕНТДА ЗАМОНАВИЙ КЎЧАТХОНАЛАР МАЖМУАСИ

Пискент туманида Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон агентлиги томонидан Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида барпо этилган "ақлли кўчатхона"лар фойдаланишга топширилди.

Имконият

— Ўрмон агентлиги тасарруфидаги хўжаликларда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 1 100 тонна дарахт ва бута уруғи жамғарилган. Айни пайтда 1 035 гектар майдонда 101,6 миллион туп ниҳол ва кўчат парваришланмоқда. "Ақлли технологиялар асосида Тошкент вилоятида ўрмон ва шаҳар ҳудудларини кўкаламзорлаштириш" лойиҳаси доирасида ташкил қилинган замонавий кўчатхоналар мазкур йўналишдаги имкониятларни янада оширади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Абдушукур Ҳамзаев.

Тошкент вилояти кўчатчиликка ихтисослашган давлат ўрмон хўжалигининг Дўнгқўрғон бўлимидаги "ақлли кўчатхона"лар мажмуаси 7 гектар майдонни эгаллайди ва 14 та иссиқхонани ўз ичига олади. Рақамлаштирилган тизимлар кўчатларни маҳаллий иқлим шароитига мос етиштириш, сувни тежаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш имконини яратади. KOICA



билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу лойиҳа 2024 — 2028 йилларга мўлжалланган бўлиб, мамлакатимизда ўрмонларни барпо этиш ва қайта тиклаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда чўлланиш жараёнларининг олдини олишга қаратилган.

Отабек ИСРОИЛОВ
("Халқ сўзи").

РЕКЛАМА

Қизиқиш билдиришга сўров

«Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик» лойиҳаси

Кредит рақами: 7425-UZ

Хизмат тавсифи: "Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси" МЧЖ "Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик" лойиҳаси доирасида онлайн-маркетплейс бўйича менежерларни тайёрлаш ва ўқитиш хизматларини кўрсатиш учун малакали консалтинг ташкилотларини қизиқиш билдиришга таклиф этади (UZ-DIP-578128-CS-CQS).

Қизиқиш билдиришнинг охирги муддати: 2026 йил 20 ноябрь, соат 18:00.

Батафсил маълумот учун: udip@it-park.uz, (71) 209-11-99 (1037), (+99895) 165-55-95.



Самбо: ТОШКЕНТДА 50-ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Кеча пойтахтимиз Тошкент шаҳрида самбо бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати старт олди. Мусобақада дунёнинг юзга яқин мамлакатларидан 700 нафар спортчилар кураш олиб боради.



Беллашувлар "Олимпия шаҳарчаси"даги "Спорт ўйинлари" залида ўтказилади. Унда эркаклар ва аёллар терма жамоалари яккалик ҳамда жанговар баҳсларда кураш тушади.

Баҳслар олдидан Спорт вазирлиги биносида мазкур жаҳон чемпионатига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси спорт вазири А. Икромов, Халқаро самбо федерацияси (FIAS) президенти В. Шестаков, Миллий олимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари О. Умаров, самбонинг жаҳондаги элчилари, спорт афсоналари — Ф. Емельяненко ва И. Махачев, Осиё самбо иттифоқи президенти А. Муллаев ҳамда Ўзбекистон самбо ассоциацияси президенти А. Алимов иштирок этди.

Матбуот анжуманида бўлажак жаҳон чемпионатининг аҳамияти, мусобақага тайёргарлик жараёнлари, ташкилий масалалар ҳамда халқаро турнир доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Ўқ отиш: МЕРГАНЛАРИМИЗ СОВРИНДОР

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабарига кўра, шу кунларда Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўқ отиш спорти бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси дунё биринчиликларидаги дастлабки медалга эга чиқди.



Чемпионатнинг 10 метрдан пневматик тўппончадан отиш бўйича жамоавий дастурида қатнашган ҳамюртларимиз — В. Свечников, С. Абдуллаев ва М. Камолов финал баҳсда 1 738 очко билан бронза медалига сазовор бўлди. Дунё биринчилигининг мазкур йўналишида кумуш медални қўлга киритган Жанубий Корея жамоаси ҳам ҳамюртларимиз сингари 1 738 очко жамғарган эди. Бироқ қўшимча кўрсаткичлар эвазига кореяликлар шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Чемпионлик 1 755 очко жамғарган Хитой жамоасига насиб этди.

Теннис: ҲАМЮРТИМИЗ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧДА

Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида "WTA 250" тоифасига кирувчи, мукофот жамғармаси 283 минг 347 АҚШ долларини ташкил этувчи турнир бўлиб ўтмоқда.



Мусобақада иштирок этаётган ҳамюртимиз Полина Кудерметова ортиқча қийинчиликсиз чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Ўзбекистоннинг учинчи ракеткаси 1/8 финалда испаниялик Оксана Селехметовага ҳеч қандай имконият қолдирмади — 6/3, 6/0.

Таққослаш учун, Кудерметова айни пайтда дунёнинг 93-ракеткаси бўлиб турибди, Селехметова эса WTA рейтингида 122-поғонадан жой олган. Роппа-роса 80 дақиқа давом этган баҳсда вакилимиз 3 та эйс зарбасини амалга ошириб, 3 та қўшхатога йўл қўйди. Теннис маликаларининг ўзаро ўтказган учинчи учрашувида ҳам Кудерметованинг қўли баланд келди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
("Халқ сўзи") тайёрлади.

Келгуси йилларда Самарқанд — Бухоро йўналишида цемент-бетон қопламали пулли автомобиль йўли ҳамда тезюрар поезд учун янги темир йўл линиясини барпо этиш режалаштирилган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6